

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
Магистратура бўлими

Кулёзма ҳуқуқида
УДК 658.5

Омонов Зафар Хусанович

**Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақада
хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этиш ва бошқариш
(Қашқадарё вилояти мисолида)**

Мутахассислик: 5A230201-Менежмент (ишлаб чиқариш)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди

“Менежмент” кафедраси мудири

_____ и.ф.д. Х.С.Муҳитдинов

“___” _____ 2013 йил

Илмий раҳбар

_____ и.ф.д. Х.С.Муҳитдинов

“___” _____ 2013 йил

Ҳимояга тавсия этилди

Магистратура бўлими бошлиғи

_____ доц. Б.М. Холбаев

“___” _____ 2013 йил

Қарши – 2013

МУНДАРИЖА:

Кириш	3
I боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳолига хизмат кўратиш соҳаси ва унинг бошқариш тизимини ислоҳ қилиш	8
1. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда аҳолига хизмат кўратиш соҳаси фаолият кўрсатишининг ўзига хос хусусиятлари	8
2. Уй-жой коммунал хўжалиги ва уй-жой коммунал хизматларни таснифлаш	20
3. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини оширишнинг стратегик ривожлантириш.	35
I боб бўйича хулоса	42
II боб. Қашқадарё вилояти мисолида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг таҳлили. ..	43
1. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг статистик таҳлили. .	43
2. Вилоят аҳолисига пуллик ва маиший хизмат кўрсатиш даражасини таҳлили	57
3. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларининг вариация кўрсаткичлари.	61
II боб бўйича хулоса	72
III боб. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини бошқариш усулларини такомиллаштириш.	73
1. Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш соҳалари кўрсаткичларини истиқболда ривожланиши	73
2. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳаларини комплекс ривожлантириш усуллари	77
III боб бўйича хулоса	84
Хулоса	85
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	89
Иловалар	95
1-илова. Тадқиқот объектига илмий-мадқиқот натижаларини тадбиқ этилганлиги ҳақида далолатнома ...	95
1-илова. Хизматлар ва сервис соҳалар бўйича улуши.	96

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида аҳолига хизмат кўрсатиш ислохотларини чуқурлаштириш ва модернизациялаш жараёнида қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, қишлоқда аҳолини ижтимоий ривожланишининг, сифат даражасини ошириш ва уни ривожлантириш механизмларини эконометрик моделлар асосида такомиллаштириш миллий иқтисодийтимиз олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Шу боис Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарур»¹.

Юқорида қайд этилган муаммоларни самарали ечиш мамлакат вилоятлари орасида ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича ажралиб турувчи Қашқадарё вилояти алоҳида аҳамият касб этади.

2012-йилда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам юқори суръатлар билан ривожланди. Аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қарийб 15 фоизга ўсди, ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши эса бугунги кунда 52 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда².

Қашқадарё катта иқтисодий имкониятларга, истиқболи юқори табиий бойликларга эга бўлган ҳудуд ҳисобланади. Бугунги кунда вилоятда нефть ва газ саноати, қишлоқ хўжалиги, чорва, пахта, дон маҳсулотлари етиштириш маданияти юксалиб, янги босқичларга кўтарилмоқда, саноат тобора равнақ топмоқда.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009. - 48-б.

² Каримов И.А. Бош мақсадимиз —кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

Келажакда ушбу ҳудудда самарали ривож топиш имконияти ва салоҳиятига эга бўлган тармоқлар, янги-янги соҳалар ривожини таъминлашда ҳам саноат, ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам хизмат кўрсатиш соҳаларида бозор инфратузилмасини ривожлантириш муҳим масала ҳисобланади. Бу борада иқтисодиётга нафақат ички инвестицияларни, балки ташқи инвестицияларнинг киритилишини жадаллаштириш учун минтақада ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва модернизациялаштириш дастурларини самарали амалга ошириш, хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этишнинг имкониятларини кенгайтириш лозим.

Мазкур тармоқнинг етакчи роли, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг катта ҳажмлари уй-жой коммунал хўжалигининг ривожланиши ва фаолият кўрсатиши самарадорлигини ошириш муаммосининг долзарблигини белгилаб беради. Бу вазифани тармоқни модернизация қилишни ривожлантириш, ишлаб чиқариш-фойдаланиш фаолиятининг самарадорлигини, атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан уйғунликда меҳнат самарадорлигини ошириш йўли билан ҳал этиш мумкин.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Тадқиқот объекти қилиб, «Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт Бош Бошқармаси» маълумотлари олинди, тадқиқот предмети бўлиб Минтақада хизмат кўрсатиш соҳасини муаммоларини ечишнинг тадқиқ этиш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасини, ижтимоий ривожланиш жараёнларини таҳлил қилиш асосида унинг устувор йўналишларини аниқлаш ҳамда ривожлантириш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасини асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

– Қашқадарё вилояти иқтисодиётида аҳолига хизмат кўратиш соҳасининг ўрнини аниқлаш ва устувор вазифаларни ҳал этишда унинг ролини кўрсатиш;

– Қашқадарё вилояти ўзига хос хусусиятларининг аҳолига хизмат кўратиш соҳасини ривожланишига ва ҳудудий ташкил этилишига таъсирини тадқиқ этиш;

– тармоқ ривожининг номуносиблигини аниқлаш ва аҳолига хизмат кўратиш самарадорлигини янада оширишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

– аҳолига хизмат кўратиш соҳасининг кичик тармоқларидан бирини модернизация қилиш мисолида уй-жой коммунал хўжалигини бошқариш дастурий мақсадли усулининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш, мақсадлар дарахти таркибий тузилишини ишлаб чиқиш;

– аҳолига хизмат кўратиш соҳасини бошқаришнинг ташкилий тузилишини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотдаги баъзи бир илмий хулоса ва қоидалардан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида кўплаб иқтисодий фанлар, жумладан, «Молиявий менежмент», «Стратегик менежмент», «Сифат менежмент» каби фанларда бир қатор мавзуларни ўқитиш, амалий машғулотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Республикамиз, шунингдек, МДХ ва хорижий мамлакатларнинг иқтисодиётга оид илмий адабиётларида хизмат кўрсатиш соҳасини назарий ва амалий жиҳатларига бағишланган ишлар кенг ўрин олган. Хусусан, А.Смит, Ж.М.Кейнс, Р.Солоу, М.Мескон, Х.Армстронг, А.Леша, Х.Ричардсон, Дж.Тейлор, М.Тэмпла, М.Питерс, А.Хоскинг, Г.Жоунз, Л.Абалкин, В.Абчук, А.Бусыгин каби олимларнинг илмий тадқиқот ишларида моделлаштиришнинг назарий муаммолари тадқиқ этилган.

Муаммонинг алоҳида жиҳатлари Ўзбекистоннинг И.И.Искандаров, О.Ҳайдаров, М.З.Каланова сингари иқтисодчи олимлари томонидан тадқиқ этилган.

Бозор шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини фаолият кўрсатиши муаммолари МДҲ мамлакатларида О.Э.Бессонова, Д.М.Жуков, Е.Ф.Петров, Н.М.Розанова, М.Д.Шапиро ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, нутқлари ва мақолаларида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакат халқаро иқтисодий муносабатларини ривожлантиришга оид масалалари бўйича баён этган хулосаларидан муҳим манба сифатида фойдаланилади. Бундан ташқари илмий ишда асос бўлиб, Ижтимоий соҳа иқтисодиёт, Макроиқтисодий сиёсат ва иқтисодий ислоҳотлар, шунингдек, мамлакатимиз етакчи олимлари ва мутахассисларининг ушбу муаммога оид илмий-тадқиқот натижаларидан фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, нутқлари ва мақолаларида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакат халқаро иқтисодий муносабатларини ривожлантиришга оид масалалари бўйича баён этган хулосаларидан муҳим манба сифатида фойдаланилади. Бундан ташқари илмий ишда асос бўлиб, Ижтимоий соҳа иқтисодиёт, Макроиқтисодий сиёсат ва иқтисодий ислоҳотлар, шунингдек, мамлакатимиз етакчи олимлари ва мутахассисларининг ушбу муаммога оид илмий-тадқиқот натижаларидан фойдаланилади.

Диссертациядаги илмий хулосалар ва тавсиялар ички аудитни ўтказиш ва натижаларни умумлаштириш жараёнини такомиллаштиришда имконият яратади.

Тадқиқот натижаларидан иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақада хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этиш ва бошқариш жараёнини такомиллаштиришда ҳамда олий ўқув юртларида амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Қашқадарё вилояти аҳолига хизмат кўратиш соҳасининг ривожланишини тартибга солиш ва уни бошқариш тизими тадқиқ этилиб, бозор ислохотларини чуқурлаштириш шароитида уни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар асосланди.

Илмий ишда аҳолига хизмат кўратиш соҳаси иқтисодиётидаги ўрнини аниқлаш ишлари янада ривож топди. Аҳолига хизмат кўратиш соҳасини бошқаришнинг ташкилий тузилишини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифлари. Диссертациянинг таркибий тузилиши қуйидагича: кириш, асосий қисмида 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар келтирилган.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, назарий ва услубий асослари, илмий ва амалий аҳамияти, илмий янгиликлари ўз аксини топган.

Асосий қисмнинг биринчи бобида хизмат кўрсатиш соҳасининг ташкил этиш ва уни бошқаришни ислох қилиш келтирилган.

Иккинчи бобида Қашқадарё вилояти мисолида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш таҳлили келтирилган.

Учинчи бобда аҳолига хизмат кўрсатиш усулларини такомиллаштириш йўналишлари ўз аксини топган.

Хулоса қисмида диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасидан олинган хулосалар ва таклифлар берилган.

**I боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида аҳолига
хизмат кўратиш соҳаси ва унинг бошқариш тизимини
ислоҳ қилиш**

**1. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда аҳолига
хизмат кўратиш соҳаси фаолият кўрсатишининг ўзига хос
хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлаган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида «Бош мақсад – халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишдан иборатдир» деб таъкидлаб ўтган эди.³

Бу кўп жиҳатдан хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини муваффақиятли ривожлантириш ҳисобига таъминланиб, унинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб уй-жой коммунал хўжалиги ҳисобланади.

Уй-жой коммунал хўжалиги таркибига муниципал секторнинг катта миқдордаги кўп квартирали, кўп қаватли уйлари ва хусусий секторнинг яқка тартибда қурилган уйлари, водопровод-канализация хўжалиги, шаҳар электр транспорти (трамвай, троллейбус), меҳмонхоналар, санитария жиҳатдан тозалаш хизматлари, йўл хўжалиги, кўкаламзорлаштириш, қозонхона ва иссиқлик тармоқлари, маҳаллий электр станциялари ва электр тармоқлари, газ хўжалиги ва бошқалар киради.

Шаҳарлар аҳолисининг сони, уларнинг ҳудудлари, планировкаси ва ҳоказоларга қараб коммунал хўжалиги корхоналарининг ўлчамлари ҳам турлича бўлиши мумкин.

Уй-жой коммунал хўжалиги, унинг бутун фойдаланиш фаолияти инсон эҳтиёжларини қондиришга, унинг барча қобилиятларини

³ Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. «Халқ сўзи», 2007 йил 13 феврал.

ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга йўналтирилган. У аҳоли турмуш даражасининг изчил яхшиланишини, моддий фаровонлиги ва маданий савияси ошишини таъминлаган ҳолда миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида меҳнат унумдорлигининг ортишига кўмаклашади.

Аҳолига хизмат кўратиш соҳаси ва миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ўртасида тўғридан-тўғри ва билвосита алоқалар мавжуд. Масалан, иссиқлик ва газ хўжалигининг ривожланишини кўп жиҳатдан энергетиканинг ривожланиши белгилаб беради.

Бу жараёнда хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос бўлган турлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компьютер дацурлаш хизматлари 18 фоизга, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш 17 фоизга, молия-банк хизматлари 17,6 фоизга ўсди⁴.

Юртбошимиз таъкилаганидек, “Қишлоқ жойларда тобора ривожланиб бораётган хизмат кўрсатиш шаҳобчалар ва муассасаларнинг фаолияти, сервис хизмати, анаънавий маиший хизматлар билан бир қаторда, замонавий телекоммуникация тизимлари, хусусан, интернет, уяли алоқа, компьютерда турли хизматлар кўрсатишни ўз ичига оладиган янги сервис шаҳобчалари жадал ривожланмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ жойларда уяли алоқа хизмати обонентлари сони 5 миллионга етгани, бу эса мамлакатимиз бўйича умумий кўрсаткичнинг 30 фоизини ташкил этгани ва ушбу рақам тез сураътлар билан ўсиб бораётгани қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити ва фаровонлигини ошириб бораётганлигидан далолат беради.”⁵

4 Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.


⁵ Каримов И.А. Жаҳон инкирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. –Т.: Ўзбекистон, 2010. Т.18. Б. 75.

Аҳолининг турмуш шароити ва фаровонлигини оширишда хизмат кўрсатиш соҳаларнинг таъсири энг юқори бўлади. Бундан ташқари аҳоли жойлашуви, корхоналар мавжудлиги, хизмат кўрсатиш соҳалари ҳажмининг юқорилиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ер-сув билан таъминланганлиги, аҳолининг зич жойлашуви ҳам турмуш шароитини оширишга катта таъсир кўрсатишига ишонч ҳосил қилдик. Булар аҳоли даромадининг ошишига ҳам катта таъсир кўрсатади.


Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини оширишда энг муҳим кўрсаткичлардан яна бири, бу қишлоқларда ишлаб чиқариш фондлари ва ишчи кучларини хўжалик абсоротиға янада тўлароқ жалб қилиш ва жамиятнинг чегараланган ресурсларидан тўғри фойдаланишдир. Бунда аҳолининг жойлашуви, аҳоли яшайдиган жойда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, ер-сув ва табиий ресурслар мавжудлиги, аҳоли даромадлари, аҳолининг бандлиги, қишлоқ аҳолисининг хизмат кўрсатиш соҳалари билан таъминланганлиги, қишлоқ жойларида саноат-қурилиш корхоналари жойлашуви каби кўрсаткичлар муҳим аҳамият касб этади.

Шу боисдан тадқиқот давомида энг аввало аҳолининг жойлашуви, қишлоқда қурилиш корхоналарининг мавжудлиги, табиий иқлим шароити, ер-сув ва табиий ресурсларнинг мавжудлиги, хизмат кўрсатиш соҳалари билан таъминланганлик даражаси, таълим соҳаларини ривожланиши, аҳолининг бандлик даражаси, меҳнатни ташкил этиш ва меҳнат унимдорлиги каби кўрсаткичлар ўрганилади.

Ҳозирги пайтда дунёда, хусусан, бизнинг мамлакатимизда ҳам хизмат турларининг сони мингдан ошиб кетган. Буларни ўрганиш ва маълум даражада тартибга солиш учун уларни таснифлашни давр тақозо қилмоқда.



**1.1-расм Аҳоли турмуш шароитига таъсир этувчи хизмат
кўрсатиш соҳалар**



1.2-расм Аҳолининг турмуш шароитини ривожлантириш кўрсаткичлари

Хизматларни маълум даражада тартибга келтириш учун халқаро ташкилотлар ҳам шуғулланмоқда. Масалан, БМТ хизматларнинг 160 турини тан олади ва уларни 12 гуруҳга бўлади:⁶

1. Ишчанлик хизмати	46 турда
2. Алоқа хизмати	25 турда
3. Инженеринг ва қурилиш хизмати	5 турда
4. Дистрибуторлик хизмати	5 турда
5. Умумтаълим хизматлари	5 турда
6. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш хизмати	4 турда
7. Молиявий хизматлар (шу жумладан, суғурта хизматлари)	17 турда
8. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	4 турда
9. Туризм ва сайёҳлик	4 турда
10. Дам олдириш, маданий ва спорт билан	

⁶ Пардаев М.Қ., Мусаев Ҳ.Н. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари -Т.: “иқтисод-молия”, 2008.

боғлиқ хизматлар	5 турда
11. Транспорт хизматлари	33 турда
12. Бошқа хизматлар (масалан, маиший)	7 турда.

БМТнинг ушбу тавсифини ҳамма халқаро ташкилотлар ҳам тўлиқ қабул қилмаган. Хизматларни таснифлаш борасида баъзи халқаро ташкилотлар ўз қарашларига эга. Улардан бири Халқаро валюта фонди (ХВФ)дир. Ушбу ташкилотнинг фикрича, барча хизматлар иккига бўлинади. Савдо қилинадиган ва савдо қилинмайдиган. Бундай тасниф хизматларни халқаро савдода қўлланилиши нуқтаи назаридан келтирилган. Савдо қилинадиган хизматларга ушбу жараёни амалга ошириш мумкин бўлган хизмат турлари киради. Савдо қилинмайдиган хизматлар эса фақат миллий давлатларнинг ўзида амалга оширилади. Ушбу хизматлар шу давлат ичида сотилади ва истеъмол қилинади. Буларга мисол тариқасида коммунал хизмат ва шу билан боғлиқ хизматларни киритиш мумкин.

ХВФнинг таъкидлашича, сотиладиган савдо хизматларига қуйидаги ўн битта гуруҳ хизматларни киритиш мумкин:

- транспорт хизмати;
- бориб келиш (хизмат сафари, туризм, саёҳат кабилар);
- алоқа;
- қурилиш хизмати;
- суғурта хизмати;
- молиявий хизматлар;
- компьютер ва ахборот хизмати;
- роялти ва лицензия тўловлари;
- бошқа бизнес хизматлари;
- шахсий, маданий ва рекреацион хизматлар;
- ҳукумат хизматлари.

Мазкур ташкилотнинг таснифида хизмат турларининг ҳар бири яна бир қанча хизматларни ўз ичига олади. Масалан, транспорт хизмати яна иккита гуруҳга бўлинади: йўловчи ташиш транспорти ва юк ташиш

транспорти хизматлари. Улар ҳам, ўз навбатида, яна бир қанча гуруҳларга бўлинади. Шундай қилиб, хизматлар ва улар билан боғлиқ муаммолар хусусида олимлар ҳам, халқаро ташкилотлар ҳам бир тўхтамга келишгани йўқ.


М.Қ.Пардаев, Ҳ.Н.Мусаевларнинг фикрича, хизмат дейилганда, инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат ва жамиятнинг муаёян эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади.

Улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- инсоннинг (шахснинг) камолоти билан боғлиқ хизматлар;
- оиланинг равнақи билан боғлиқ хизматлар;
- меҳнат жамоаларининг такомиллашуви билан боғлиқ хизматлар;
- ҳудуднинг тараққиёти билан боғлиқ хизматлар;
- давлатнинг равнақи билан боғлиқ хизматлар;
- жамиятнинг тараққиёти билан боғлиқ хизматлар.

Ушбу хизматларга ўзига хос хизмат турлари киради. Булар мазкур субъектларнинг муайян эҳтиёжини қондиришга қаратилган кишиларнинг фойдали фаолиятидан иборатдир.

Одам хизмат объектини ўзига ўзи яратади ва ўзига ўзи хизмат қилади. Шу туфайли хизмат одам учун, хизматни бажарувчиси ҳам одам, деган ақидани киритиш мумкин. Бу хизматнинг ишлаб чиқарувчиси ҳам, унинг истеъмолчиси ҳам одам, деганидир. Буни қуйидагича ифода этиш мумкин:



1.3-расм Инсон ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг боғлиқлиги

Маълумки, хизмат кўрсатиш натижасида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти кўпаяди. Бу қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: Бозор

муносабатлари шароитида хизматлар кўрсатиш натижасида моддий неъмат яратилиши ёки яратилмаслигидан қатъи назар, ялпи ички маҳсулот яратилади. Шу боис хизматларга, моддий неъмат яратилиши нуқтаи назаридан эмас, балки, ялпи ички маҳсулот яратилиши нуқтаи назаридан қараш мақсадга мувофиқ.

Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, “... аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бундай тармоқлар ташқи конъюнктурага ҳам, об-ҳаво шароитига ҳам боғлиқ эмас, яъни, ташқи омилларнинг ўзгариши уларга таъсир кўрсата олмайди. Айни пайтда бу хизматлар ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўплаб турларига ички талабни оширади, шунингдек, истеъмол бозорида мутаносибликни сақлашда муҳим роль ўйнайди”⁷.

Ижтимоий соҳа ва хизматлар соҳаси тармоқлари ривожланишининг замонавий даврида хизматлар кўрсатиш оммавий тус олмоқда. Шундай экан, эришилган натижа бирлигига қилинган меҳнат самарадорлиги асосий фондлар, моддий ва молиявий сарф-харажатларни ҳисоблаб чиқишга имкониятлар бўлиши талаб этилади.

Ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш узоқ вақт мобайнида инсон хўжалик фаолияти ҳамда унинг ижтимоий жамоа ҳаётининг бир қисми бўлиб келган. Айнан хизматларнинг ижтимоий жамоа институти сифатида инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқалар, фойдали фаолиятнинг мавжудлиги - инсоният жамияти ва турмушининг зарурий шарти ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, айнан хизматлар жамиятнинг ривожланиш даражасини нафақат унинг ишлаб чиқариш кучлари даражасида, балки маънавий ва маърифий ҳолатини инобатга олган ҳолда ошди десак, муболаға бўлмайди.

Демак, бундан кўриниб турибдики, жамиятдаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан хизматлар ишлаб чиқариш, хўжалик жиҳатлари кучаяди, энг асосийси -аҳоли томонидан хизматларга бўлган

⁷ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

талаб ортиб бормоқда. Натижада хизматлар иқтисодиётда муҳим ўрин эгаллай бошлади, хизматлар соҳаси ва бозори шаклланди.

Замонавий иқтисодиётнинг глобал тенденцияларидан бири бўлиб кўрсатилаётган хизматларнинг кескин даражада ўсиши ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар ялпи миллий маҳсулотидаги хизматлар ҳиссаси ҳозирги кунда 2/3 дан 3/4 гача ташкил қилмоқда.⁸

Манфаатларни кўриб чиқишда уларнинг уч турли жиҳатини фарқлаш лозим:

- мазмунли (хизматлар кўрсатиш бўйича мазмун, фаолиятнинг сифат тавсифига нисбатан манфаатлари);
- иқтисодий (хизматларни тақдим этиш, харажат ва натижалар бўйича фаолиятга нисбатан манфаатлар);
- сиёсий-иқтисодий (қидирилаётган фаолиятда турли субъектларнинг қатнашиши ва ўзаро алоқаларини тартибга солиб турувчи нормаларнинг сақланиши ва ўзгаришига нисбатан манфаатлар, яъни бошқариш, молиялаштириш, солиққа тортиш ва ҳоказоларнинг тақдим этилишига нисбатан манфаатлар).

Хизматлар соҳаси кўриб чиқилаётганда, манфаатларнинг қуйидаги уч та катта гуруҳли манфаатларни ажратиш мумкин: хизмат истеъмолчиларининг манфаатлари бир хил эмас яъни аҳоли гуруҳлари бўйича турли даромад даражалари, маълумоти бўйича фарқланади. Ислохотлар бошлангунга қадар қайд қилинган гуруҳларнинг барчалари манфаатларида умумий ўхшашлик мавжуд бўлган, яъни тақдим этилаётган хизматлар кўрсатиш сифатидан қоникмаслик ва уларнинг баъзи турлари бўйича тақчилликнинг мавжудлиги. Аҳоли манфаатларидаги умумийлик-хизматлар кўрсатиш сифатининг яхшиланишини ишташқидир. Шу билан бирга, аҳолининг бир қисми (ўрта ва юқори даромадли гуруҳлар) юқори

⁸ Пардаев М.Қ., Мусаев Ҳ.Н. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари -Тошкент.: “иқтисод-молия” 2008.

сифатли хизматларни хоҳлашади, зеро шунга яраша ҳақ тўлашга тайёр. Юқори даромадли гуруҳлар эса барча тиббий, таълим ва маданий ҳордик хизматларга юқори ҳақ тўлашга розилар, лекин фақат аъло, сифатли хизматларга. Ўрта ва паст даромадли гуруҳлар эса аввалги бепул ижтимоий-маданий хизматлар тизимининг амал қилиш ва уларнинг сифати (асосан давлат ҳисобига) оширишини истади.

Хизматлар соҳасининг табиати, уларнинг моддий товарлардан фарқлантирувчи томони хизматлар бозори хусусиятларини асослайди. Улар қуйидагиларга ажралади:

- юқори динамизм;
- ҳудудий бўғинлаштириш ва локал тавсиф;
- қайта ишлаб чиқиш цикли туфайли капитал айланишининг юқори тезлиги;
- кичик ва ўрта корхоналарнинг кўпчилиги, шунингдек, хизматларни юклаш, тушириш ва тахлашнинг имконияти бўлмаганлиги туфайли уларнинг бозор конъюктурасига юқори сезгирлиги;
- ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги шахсий алоқа билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш жараёнининг хусусиятлари;
- кўпгина тармоқлардаги маҳсулотнинг юқори дифференциаллашуви;
- хизматлар кўрсатишда натижани олдиндан билиб бўлмаслик;
- ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги ахборот бўйича мутаносиблик бўлмаслигининг мавжудлиги.

Амалий вазифаларни ҳал қилиш учун моддий ишлаб чиқариш соҳаси билан ижтимоий соҳа тармоқларини бир-биридан ажратиб, фарқлаш муайян қийинчиликларга боғлиқ. Чунки бу тармоқлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ, улар ўртасидаги чегара эса жуда нозик ва ўзгарувчан. Иқтисодиётда моддий ишлаб чиқаришни етарли даражада аниқ қилиб ажратиб кўрсатиш имконини берадиган аниқ мезон хусусида ягона фикр йўқ.

Гарчи хизматлар бозори товарлар бозори билан кўпчилик ўхшашликларга эга бўлса-да, хизматлар табиати хусусиятларидан бозор координациясининг хусусиятлари мавжуд, улар жумласига хизматларни сақлаш ва юклаш, туширишнинг имкони бўлмаслиги, хизматлар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг бир вақтдалиги, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасидаги алоқаларнинг заруриятга, хизматларга бўлган талабнинг якка тартибдалиги ностандартлигининг юқори даражасини келтириш мумкин.

XXI асрга келиб, энг янги техник-технологик воситаларнинг татбиқ этилиши, телекоммуникация хизматлари (ТКХ) мажмуасидаги фаоллашув барча бозор субъектлари алоқалари доирасини кенгайтириб, мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш, жаҳон бозори ҳамда глобал ахборот ҳамжамиятига интеграциялашув даражасини белгиламоқда. Бу эса, фуқаролар учун жаҳон ахборот ресурсларига мос дахлдорлик шароитларини кенгайтириш, ИТ, компьютер техникаси, замонавий телекоммуникация воситаларини оммавий татбиқ этиш заруриятини оширмоқда. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг 11 та қонуни, мамлакат раҳбари ва ҳукуматнинг 40 тадан ортиқ фармон ва қарори негизидаги 30 дан зиёд инвестицион лойиҳалар изчил татбиқ этилиши туфайли мажмуанинг моддий-техник базаси, технологияси, дастурий таъминоти ва бошқа тузилмалари тубдан модернизация қилинмоқда.

Телекоммуникация хизматлари тизимининг телефон тармоқларида фаолият кўрсатувчи бозор субъектлари стратегик дастурларини ишлаб чиқариш амалиётига татбиқ этиш бирмунча фойдали. Телекоммуникация хизматлари маркетингининг нафақат ихтисослашган корхоналар учун, балки ихтиёрий тадбиркорлик субъектларига жиддий ижобий таъсирини Блейд Джим⁹ алоҳида эътироф этган.

⁹ Блейд Джим. Маркетинговые коммуникации: Что? Как? Почему? Днепропетровск, 2004, с.368.

Бу ўринда қайд этиш жоизки, корпоратив ахборот тизимларининг ривожланиш тенденциялари тўғрисидаги тадқиқот¹⁰нинг аналог тизим ва интернет тармоғи қиёсларига кўра, операция харажатлари шиддатли тарзда қисқармоқда.

М.М.Маҳкамова¹¹, Л.Н.Акимоваларнинг¹² тадқиқотларида рақамли техник воситалар татбиқ этилиши, турли тизим ва тармоқлар яратилиши, хизматлар соҳаси кенгайиши, қулай хизмат кўрсатиш сифати ва тезлиги ортиши баён этилган. Телекоммуникация хизматлари бозоридаги айрим жиҳатларни такомиллаштиришга қаратилган катор тадқиқотларни таъкидлаш лозим. Улар соҳа ривожланишининг макроиктисодий жабҳаларини¹³, ахборот-коммуникация хизматлари ривожланиш тенденцияларини моделлаштиришни¹⁴, Л.Кристофер¹⁵ мавжуд телефон тармоқлари самарадорлигини ошириш бўйича “Телефон маркетинг” электрон хизмати бизнес лойиҳасини амалиётга татбиқ этиш тажрибасини қайд этган.

Аҳолининг турмуш шароитига асосий таъсир кўрсатадиган омиллар яъни хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ишлаб чиқариш, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши кўп жиҳатдан моддий ишлаб чиқаришга ва олиб борилаётган ислохотларга боғлиқ. Хизмат кўрсатиш соҳаси эса, ўз навбатида, моддий ишлаб чиқариш ривожланишига ҳам, жамиятда рўй берадиган иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга ҳам фаол таъсир ўтказади.

¹⁰ Гуломов С.С., Бегалов Б.А., Дадабоева Р.А. Корпоратив ахборот тизимларининг ривожланиб бориш тенденциялари// Ж. Информатика ва энергетика муаммолари. – 2006.- №2-3. Б 56–65.

¹¹ Маҳкамова М.М. Формирование и развитие информационной инфраструктуры в Республике Узбекистан// Информатика ва энергетика муаммолари. –2006.- №1 с. 49–52.

¹² Акимова Л.Н. ТК хизматлари кўрсатуви корхоналарида сифатли бошқариш тизими (QMS). Информатика ва энергетика муаммолари. – 2006.- №1 с. 38–43.

¹³ Шибаршова Л.И. Развития сферы почты и телекоммуникации Республики Узбекистан в период рыночных преобразований (Макроэкономический аспект): Автореф. на соиск. уч. степ. д.э.н. –Т. 2000. 37с.

¹⁴ Бегалов Б.А. Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш: И.ф.д. илмий даражаси олиш учун диссертация автореферати. –Т. 2001.–36 б.

¹⁵Кристофер Л. Маркетинг услуг: персонал, технология, стратегия, , Изд. «Дом Вильямс»- М.: 2005. С 301.

2. Уй-жой коммунал хўжалиги ва уй-жой коммунал

хизматларни таснифлаш

Миллий иқтисодиёт тармоқларини таснифлаш, биринчи галда тармоқни тартибга солишни амалга ошириш учун мўлжалланган. Таснифлаш ёрдамида миллий иқтисодиётнинг таркиби ўрганилади ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси тавсифланади.

Миллий иқтисодиёт тармоқларининг ягона тавсифи тармоқлараро алоқалар, миллий иқтисодиёт ривождаги улушлар ва ижтимоий ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларининг қиёсланишини илмий таҳлил қилиш, шунингдек мамлакат иқтисодиётининг ривожини тавсифловчи режа ва ҳисобот маълумотларини боғлаш мақсадида корхоналар ва ташкилотларнинг тармоқлар бўйича тўғри гуруҳланишини таъминлашга йўналтирилган.

Миллий иқтисодиётнинг ижтимоий меҳнат тақсимооти асосида юзага келган алоҳида тармоқлари ичида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар йиғиндисини, ёки муайян ижтимоий функцияларнинг бажарилиши билан боғланган муассасалар ва ташкилотлар йиғиндисини ўзида намоён этувчи кичик тармоқлар ажратилади.

Мустақил балансда турган корхона, муассаса, ташкилот тармоқнинг таснифий бирлиги ҳисобланади. Ҳар бир алоҳида корхона (ташкилот) асосий фаолият турининг хусусиятига қараб миллий иқтисодиёт қайсидир бир тармоғига киритилиши мумкин.

Маълумки, миллий иқтисодиёт тармоқлари ижтимоий меҳнат тақсимоотининг хусусияти, умумий ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни яратишдаги иштироки нуқтаи назаридан реал сектор ва ижтимоий соҳага бўлинади.

Реал сектор соҳасига маҳсулот, энергия, юкларни ташиш, маҳсулотларни сақлаш, сархиллаш, упаковка қилиш муомала соҳасида ишлаб чиқаришнинг давоми ҳисобланган бошқа функциялар шаклида моддий неъматларни яратувчи барча фаолият турлари киради.

Фаолиятнинг улар жараёнида моддий неъматлар яратилмайдиган алоҳида турлари ижтимоий соҳани ҳосил қилади.

Миллий иқтисодиёт тармоқларини бундай гуруҳлаш ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад ҳажмини тўғри белгилаш, уларни таҳсимлаш, қайта тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, меҳнат ресурсларининг балансини тузиш, шунингдек ижтимоий ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун зарур.

Жамиятда реал сектор ва ижтимоий соҳа диалектик ўзаро боғланган бўлиб, улар манфаатларини тўғри уйғунлаштириш бутун ижтимоий организм нормал фаолият кўрсатишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш ва модернизациялаш асосида моддий ишлаб чиқариш ўсишининг юқори суръатлари ижтимоий соҳани ҳам юқори суръатларда ривожлантириш имконини беради. Ўз навбатида, ижтимоий соҳа ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳар томонлама ва жадал ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда хизматлар кўрсатиш соҳаси, хусусан коммунал хўжалигининг иқтисодий аҳамияти етарлича баҳоланмаяпти.

Коммунал хўжалигининг ривожини ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришда, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун шароитлар яратишда муҳим рол ўйнайди.

Коммунал хизмат кўрсатиш ўзига хос хусусиятларга эга, коммунал маҳсулот (хизматлар) эса бошқа хизмат турларидан қатор белгилари билан фарқ қилади. Шунинг учун коммунал хўжалиги функцияларини миллий иқтисодиётга хизмат кўрсатиш соҳасининг мустақил тармоғига ажратиш хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва тартибга солишнинг изчил йўли ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётнинг тармоғи сифатида коммунал хўжалиги турли хилдаги корхоналардан таркиб топган.

Тармоқнинг ривожланишига қараб хизмат кўрсатиш турлари ва шакллари ривожланади, уларнинг айримлари эса миллий иқтисодиётнинг мустақил тармоқларига ажратилади (масалан, газ таъминоти).

Корхоналар ва маҳсулотлар (хизматлар) турларининг хилма-хиллиги хизматларни таснифлашда коммунал хўжалигининг чегараларини белгилаш учун маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Ҳозирги вақтда статистика амалиётида коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотларининг доираси аниқ белгиланмаган, ушбу масалага нисбатан ёндашувлар ҳам турлича, шунингдек хизматлар таснифи ҳам тўлиғича ишлаб чиқилмаган. Шу билан бирга, коммунал хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг назарий ва амалий масалалари ҳам унинг чегараларини аниқ белгилашни, шунингдек хизматларнинг алҳида турларини илмий таснифлашни ва ижтимоий-иқтисодий гуруҳлашни талаб қилади.

Бизнинг фикримизча, меҳнат натижалари ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш (савдо, умумий овқатланиш, уй-жой коммунал хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш, транспорт) меҳнати ролида иштирок этадиган хизматлар соҳаси тармоқларини бутунлай миллий иқтисодиётнинг бирон бир соҳасига киритиб бўлмайди. Ушбу масалани миллий иқтисодиётнинг мавжуд таснифида мазкур оралиқ тармоқларни алоҳида гуруҳларга ажратиш имкониятидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш лозим.

Миллий иқтисодиёт тармоқларининг классификаторида уй-жой коммунал хўжалигининг қатор кичик тармоқлари турли тармоқларга киритилган. Бундай таснифлаш қатор сабабларга кўра ҳақиқий ҳолатни акс эттирмайди. Масалан, сув таъминоти реал иқтисодиёт соҳасига, водопровод тармоғи эса (сувни чиқармайдиган, балки уни қайта ишловчи мустақил корхоналар) канализация тармоқлари ва тозалаш иншоотлари билан бирга коммунал хўжалигига киради.

Шундай қилиб, ўзининг ишлаб чиқариш жараёнида ягона бўлган коммунал хўжалиги тармоғи – водопровод-канализация хўжалиги иккита қисмга бўлинган.

Сув чиқариш, уни тозалаш ва водопровод тармоқлари орқали истеъмолчига етказиб беришни ўз ичига олувчи сув таъминоти моддий ишлаб чиқариш соҳасига киради.

Агар водопровод тармоғи фақат сув етказиб берувчи мустақил хўжалик ҳисобидаги корхоналарга ажратилган бўлса, улар тозалаш иншоотларига эга бўлган канализация тармоқлари фаолияти билан биргаликда ижтимоий соҳага – коммунал хўжалигига киради.

Сув ишлаб чиқариш ва уни етказиш марказлаштирилган сув қочириш (канализация)ни ташкил этишни талаб қилади. Шунинг учун сув ишлаб чиқариш ва канализация сувни чиқариш, ташиш, ундан фойдаланиш ва чиқиндиларни йўқотишнинг ягона, қисмларга ажралмайдиган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилади.

Сувни водопровод тармоғи орқали етказиш уни ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисмини ўзида намоён этади. Шаҳарларнинг гуллаб-яшаши, саноат, қурилиш ва миллий иқтисодиёт бошқа тармоқларининг ривожланиши сув ишлаб чиқариш ҳажмини узлуксиз оширишни талаб қилади.

Шу муносабат билан ишлаб чиқариш қисмини ҳам, асосий ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи цехлар ва корхоналарни ҳам ўз ичига олувчи йирик водопровод-канализация хўжалиги ҳосил бўлади.

Ушбу хўжаликка раҳбарлик қилишни яхшилаш мақсадида кейинчалик тўлиқ ўзини ўзи молиялаш тизимига ўтказиладиган алоҳида цехларнинг ихтисослашуви амалга оширилади.

Шу тариқа коммунал хўжалигида тўлиқ ўзини ўзи молиялашга асосланган водопровод станциялари, сувни сотиш идоралари, таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари, саноат корхоналари пайдо бўлди.

Ушбу ташкилотлар ўзаро боғланган бўлиб, бир-бирининг фаолиятини белгилаб беради. шунинг учун водопровод-канализация тармоқларини фақат уларнинг мустақиллиги туфайли ноишлаб чиқариш соҳасига киритиш яққол асосланмаган.

Хизматлар кўрсатувчи бир қатор коммунал корхоналар (газ таъминоти, канализация, махсус йўналишдаги автомобил хўжалиги) асоссиз тарзда ноишлаб чиқариш соҳасига киради, чунки улар шакли ва мазмунига кўра ишлаб чиқариш соҳасига кирувчи юк автотранспорти ва алоқа соҳалари кўрсатадиган хизматларга ўхшаш хизматларни бажарган ҳолда асосан ишлаб чиқариш соҳасига хизматлар кўрсатади.

Миллий иқтисодиёт тамоқларининг ушбу таснифи бўйича шаҳар электр транспорти ва ушбу транспорт турини бошқариш “Транспорт” тармоғига киритилган, лекин шаҳар электр транспортини ривожлантириш учун капитал қўйилмалар “Коммунал хўжалиги” тармоғи бўйича ҳисобга олинади.

Шаҳар электр транспорти корхоналаридан фойдаланиш коммунал хўжалиги йўналиши бўйича амалга оширилади. Мазкур корхоналар хўжалик фаолиятининг натижалари ушбу тармоқ таркибида ҳисобга олинади, шунинг учун, бизнингча, миллий иқтисодиёт тармоқларини таснифлашда шаҳар электр транспортини “Коммунал хўжалиги” тармоғига киритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Тармоқлар таснифида коммунал хўжалиги таркибига шаҳар водопровод ва канализация тармоқларидан фойдаланиш ҳам киритилган. Республикада “Коммунал хўжалиги” тармоғи бўйича нафақат шаҳар, балки қишлоқ водопровод ва канализация тармоқларини қуриш ва улардан фойдаланиш амалга оширилади.

Буларнинг барчаси шундан далолат бериб турибдики, тармоқларнинг амалдаги таснифланиши билан республикадаги ишларнинг ҳақиқий аҳволи ўртасида катта зиддиятлар мавжуд. Шунинг учун “уй-жой коммунал хўжалиги” тармоғи фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш,

шунингдек юқорида баён этилган тармоқлар таснифи талаблари ва вазифаларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида уй-жой коммунал хўжалигининг барча корхоналари ва ташкилотларини бирлаштириш ва “уй-жой коммунал хўжалиги” умумий тармоғига ажратиш лозим бўлиб, бу уй-жой коммунал хўжалиги таркибининг бирхиллаштирилишини таъминлаган бўлар эди. Бунда тармоқнинг ички таркиби уй-жой хўжалиги, шаҳар электр транспорти (трамвай, троллейбус), энергетика хўжалиги (иссиқлик, электр ва газ тармоқлари, қозонхоналар, маҳаллий электр станциялари), санитария техник хўжалиги (водопровод, канализация, санитария жиҳатдан тозалаш корхоналари, аҳлатни қайта ишлаш заводлари), меҳмонхона хўжалиги, ташқи ободонлаштириш иншоотлари (ташқи ва кўчаларни ёритиш, йўлаклар, кўприklar, қирғоқларни ҳимоялаш, кўкаламзорлаштириш ва ҳ.к.), шунингдек хўжалик бошқарувини ўз ичига олиши керак.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур диссертация ишида биз уй-жой коммунал хизматларни уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятининг асосий маҳсулоти сифатида кўриб чиққан ҳолда, уй-жой коммунал хизматларни ҳам таснифлашни таклиф этамиз.

Уй-жой коммунал хизматларни таснифлаш масалаларига Т.К.Руткаускас, А.В.Левина, Д.В.Огеретяная каби бир қатор россиялик олимларнинг ишлари бағишланган, лекин Ўзбекистонда бундай таснифлаш муаллиф томонидан биринчи марта таклиф этилмоқда.

Уй-жой коммунал хизматларнинг хусусиятлари уй-жой коммунал секторидида хўжалик юритишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради. Бундан ташқари, уй-жой коммунал корхонасининг фаолиятига у бошқарадиган ва хизмат кўрсатадиган уй-жой фондининг сифат хусусиятлари (ободонлаштириш даражаси, жойлашиш хили, квартираларни режалаштириш хили, мулкчилик шакли, уй-жой фонди, бинолар капиталиги, қаватлилиқ) ҳам таъсир кўрсатади.

Уй-жой коммунал хизматлар турли белгилар бўйича таснифланиши мумкин (1.1-жадвал).

Хўжалик юритишнинг турли шаклларидаги уй-жой коммунал корхоналари ўз фаолиятини амалга оширишда ўзлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишлари лозим.

Уй-жой коммунал хизматларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини билиш ва уларни ўз фаолиятида ҳисобга олиш уй-жой коммунал корхоналарига самарали фаолият кўрсатиш ва юқори сифатли хизматларни кўрсатиш имконини беради.

Уй-жой коммунал хизматлар соҳасининг жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги ролини асослаб, шундай хулосага келдикки, ушбу соҳа функцияларининг барча хиллари ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида иккита асосий ҳолатни ўз ичига олади:

1. Иқтисодий нуқтаи назардан уй-жой коммунал хизматлар жамиятнинг асосий кучи – ишчи кучини такрор етиштириш, ялпи миллий маҳсулот ва миллий даромадни яратиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг асосий омили ҳисобланади;

2. Ижтимоий нуқтаи назардан уй-жой коммунал хизматларни кўрсатиш бозор муносабатларининг вужудга келиши даврида аҳоли турмуш даражасини барқарорлаштириш, уни янада ошириш, турмуш сифатини яхшилаш, ижтимоий адолат тамойилини тўлиқ амалга оширишнинг самарали омили сифатида иштирок этади.

Диссертацияда уй-жой бозори соҳасида қўлланиладиган тушунча далилларга таянган ҳолда ялпи таҳлил қилинган. Уй-жой фондининг ҳар бир бирлиги уй-жой коммунал хизматларнинг узлуксиз кўрсатилишини таъминлайди ва бозорда иморатлар эмас, балки ушбу иморатлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сотилади ва харид қилинади, деган хулосага асосланган ҳолда “уй-жой фонди” тушунчаси асосланиб, унга аниқликлар киритилди.

**Уй-жой коммунал хизматларнинг умумий ва ўзига хос
хусусиятлари**

Белги	Таснифлаш
Тармок	1. Уй-жой хизматлари, меҳмонхона ва бошқа коммунал турар жойларга хизмат кўрсатиш 2. Коммунал хизмат кўрсатиш
Мақсадли йўналиш ва хизматлар кўрсатиш хусусияти	1. Якка тартибдаги хизматлар 2. Жамоавий хизматлар 3. Ишлаб чиқариш хизматлари 4. Ижтимоий хизматлар
Хизматлар табиати	1. Мавсусий хизматлар 2. Доимий хизматлар 3. Эпизодик хизматлар
Функционал ва технологик хусусиятлар	1. Саноат хусусиятидаги хизматлар (сув, иссиқлик, электр ва газ таъминоти, канализация) 2. Санитария-экология хавфсизлигини таъминлаш хизматлари (оқова сувларни тозалаш, аҳлат йиғиш ва чиқариш, маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ва қўмиб ташлаш, кўчаларни тозалаш) 3. Аҳоли пунктларини ободонлаштириш хизматлари (йўллар, йўлкалар ва кўприклар қурилиши ва уларни таъмирлаш, кўчалар ва йўлларни кўкаламзорлаштириш, кўчаларни ёритиш) 4. Уй-жой фондига хизматлар кўрсатиш
Аҳоли томонидан ҳақ тўлаш даражаси	1. Пулли хизматлар 2. Бепул кўрсатиладиган хизматлар 3. Имтиёзли хизматлар 4. Ижтимоий кафолатланган хизматлар
Хизматлар кўрсатишнинг механизациялашганлик даражаси	1. Механизациялашган хизматларни кўрсатиш 2. Қисман механизациялашган хизматларни кўрсатиш 3. Қўлда хизматлар кўрсатиш
Ходимларнинг маълумот даражаси	1. Ходимлардан махсус билимлар ва кўникмалар талаб қилувчи хизматлар 2. Ходимлардан махсус билимлар ва кўникмалар талаб қилмайдиган хизматлар
Хизматлар бозорлари фаолият кўрсатишининг ўзига хос хусусиятлари	1. Танлов асосида кўрсатиладиган хизматлар 2. Монопол асосда кўрсатиладиган хизматлар
Хизматларнинг стандартлашганлик даражаси	1. Стандарт хизматлар 2. Уй-жой қулайлиги бўйича хизматлар 3. Элитар хизматлар
Тарифларни тартибга солиш даражаси	1. Тарифларининг шаклланиши ҳокимият органлари томонидан тартибга солинадиган хизматлар 2. Нархлари талаб ва таклиф асосида шаклланадиган хизматлар
Хизматлар кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари	2. Эркин хизматлар 3. Иқтисодий хизматлар

Уй-жой коммунал хизматларнинг узлуксиз кўрсатилишини таъминловчи ёрдамчи хоналари билан бирга уй-жой биоларининг йиғиндиси кўринишидаги олди-сотди объектини ўзида намоён этади.

“Уй-жой хизматлари”, “коммунал хизматлар”, “уй-жой коммунал хизматлар” каби турли таърифларни кўриб чиқиб, диссертацияда уй-жой

коммунал хизматларнинг қуйидаги таърифи асосланди: уй-жой коммунал хизматлар – бу ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги уй-жой коммунал йўналишидаги объектларни қуриш, тиклаш ва уларнинг техник ва санитария-гигиена ҳолатини сақлаб туриш бўйича муносабатларини ифодаловчи иқтисодий жиҳатдан фойдали фаолиятнинг товар кўринишида ёки ҳаракатлар ёхуд фаолият кўринишида намоён бўладиган муайян натижаси.



1.4-расм. Уй-жой коммунал хўжалиги корхонасининг бизнес-тизими (муаллиф томонидан ишлаб чиқилган).

Уй-жой коммунал хизматларнинг ўзига хос хусусиятларини ва истеъмолчилар бундай хизматларни баҳолайдиган усулларни тўғри тушуниш рақобат жиҳатдан устунликка, демак, уй-жой коммунал

хизматлар кўрсатувчи корхоналар (фирмалар)нинг ўсишига эришиш учун фундаментал аҳамиятга эга.

Диссертацияда уй-жой коммунал хўжалиги корхонаси ишларининг тахминий технологияси муайян бизнес-тизим кўринишида таклиф этилган (1.4-расм).

Бизнес-тизим УКХ корхоналари томонидан бажарилиши шарт бўлган бешта блокни ўз ичига олади. Бунда корхоналар улар ишларнинг ҳар бир турини қанчалик яхши бажаришини ва бу уларга қанчага тушишини назорат қилиши керак.

УКХ бозори иккита асосий сегментга бўлинади: уй-жой хўжалиги хизматлари (УХХ) бозори (уй-жой бозори) ва уй-жой коммунал хўжалиги хизматлари (УКХХ) бозори (2-расм). Диссертацияда кичик бозорлар, уларнинг тақибий унсурлари ҳисобланган алоҳида ишлар ва хизматлар ажратилган ҳолда ушбу сегментлардан ҳар бирининг мазмуни очиқ берилади.

Демак, уй-жой бозори ўзаро ҳамкорлик қилувчи бозорлар: уй-жой ер бозори, уй-жой молия бозори, қурилиш уй-жой бозори (бирламчи), иккиламчи уй-жой бозорининг мураккаб тизимини ўзида намоён этади. Бирламчи уй-жой бозори – бу қурилиш бозорининг бир қисми; иккиламчи уй-жой бозори – истеъмол бозорининг бир қисми; уй-жой ер бозори ер бозорининг таркибига киради, уй-жой молия бозори эса молия бозори доирасида фаолият юритади.


Ушбу тасниф УКХ хизматлари (ишлари)нинг бутун доирасини қамраб олиш мақсадини кўзламайди, балки муайян ҳудудларда (минтақада) маҳсулот бўйича бозорларнинг товар чегараларини аниқлаш юзасидан амалий ишни амалга оширишнинг йўналишини кўрсатган ҳолда уни осонлаштиришга қаратилган. Илмий ишда уй-жой ва коммунал корхоналарини ягона тармоқ бошқарувида бирлаштириш асосланган, чунки уларнинг ривожланиши ва уй-жой фондининг фаолият кўрсатиши ўртасида муайян қонуний улушлар мавжуд ва шаҳар ҳудуди бўйлаб

ёйилган тармоқларга эга бўлган барча корхоналар ташкилий жиҳатдан тарқоқ бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган бозор ислохотларининг мақсади, биринчи навбатда, мамлакат аҳолиси турмушининг даражаси ва сифатини оширишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини таъминлаш имконини беради ва, айти пайтда унинг рақобатбардошлигини таъминлаш аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. ушбу мақсадга эришиш воситалари – давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқароларига мулкни топшириш, бир томондан, улар даромадларининг муҳим манбаларидан бирига айланиши, иккинчи томондан, миллий иқтисодиётни бошқариш ва унинг фаолият кўрсатиши самарадорлигини ошириши лозим, чунки хусусий мулкни ривожлантириш рақобатнинг, демак хўжалик жараёнлари ўзини ўзи тартибга солишининг асоси ҳисобланади.

Уй-жойни фуқаролар мулкига топширилиши Ўзбекистонда уй-жой бозорини шакллантириш, уни товарга – олди-сотди объектига айлантириш имконини бери.

Уй-жойнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг сифати (демак, нархи ҳам) кўп жиҳатдан реал ва потенциал (агар товар бозор муомаласига киритилган бўлса) мулкдорлар истеъмол эҳтиёжларининг қондирилиш даражасига боғлиқ, бу эҳтиёжлар нафақат сотувчилар (қурувчилар – бирламчи бозор; мулкдорлар – иккиламчи бозор) томонидан, балки унга ушбу уй-жойни сақлаб туриш бўйича хизматлар кўрсатувчилар томонидан қондирилади.



**1.5-расм УКХ бозорини таснифлаш
(муаллиф томонидан ишлаб чиқилган).**

Бошқача айтганда, бизга қарашли мулкнинг қиймати (унинг бозор нархи) кўп жиҳатдан биз – мулкдорлар томондан эмас, балки бизга уни сақлаб туриш бўйича хизматлар кўрсатувчилар томонидан белгиланади.

Шундай қилиб, уй-жой бозори шаклланган бўлиб, у фаолият кўрсатишнинг бозор қонунларига бўйсунди (талаб ва таклиф, нархларнинг мувазанатлашуви, сегментация), УКХ хизматларининг бозори эса ҳозирча тўлиқ шаклланмаган. Унинг етарлича шаклланмаганлиги уй-жой бозорининг ривожига тўсқинлик қилади, унда бозор нархининг шаклланиш жараёнини издан чиқаради, сифатсиз уй-жой коммунал хизматлар эса товарнинг – уй-жойнинг қийматига салбий таъсир кўрсатади, яъни уни пасайтиради.

Шундай қилиб, ушбу иккита бозор – уй-жой бозори ва УКХ хизматлари бозори бозорларнинг ўзаро боғлиқ хилига кириб, улар бир бирисиз тўлақонли ривожлана олмайди. Ушбу муаммони ҳал этиш учун республика уй-жой коммунал хўжалигини таркибий ўзгартириш лозим.

Тармоқни таркибий ўзгартиришнинг асосида унинг фаолият кўрсатишининг ички шароитларини ташқи муҳитнинг тезда ўзгарувчи шароитларига мослаштириш зарур. Хўжалик юритиш шароитлари ўзгарди: режалаштириш ўрнини хусусий мулк ва унга асосланган, бозор талабларига тезда мослашишга ҳамда ушбу талабларни сифатли ва кам харажатлар билан қондиришга қодир бўлган тадбиркорлик фаолияти эгаллади.

УКХ хизматлари бозорини шакллантиришда иккита ҳолат муҳимлигига ишончимиз комил: 1. Бозордан рақобатга дош беролмайдиган корхоналарни сиқиб чиқарувчи энг самарали хизматлар кўрсатувчиларни танлаш усулларида фойдаланиш; 2. Танлаб олишга хизматлар истеъмолчиларининг ўзларини жалб қилиш, чунки хизматлар кўпроқ аҳоли томонидан харид қилинмоқда.

1.2 жадвал

Уй-жой коммунал хизматлар бозорида рақобат муҳитини шакллантириш жараёнига тўсқинлик қилувчи асосий сабаблар

Тасниф белгиси	Сабаб
Иқтисодий	Уй-жой ва коммунал инфратузилманинг юқори даражаси Расмий даромадлари даражаси у ёки бу минтақада юзага келган ҳаёт кечириш учун энг кам даражадан паст бўлган аҳоли қисмининг мавжудлиги
Маъмурий	Ушбу соҳада нодавлат корхоналар сонининг камлиги, рақобатнинг деярли йўқлиги Давлат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинганлик Амалдаги давлат ва маҳаллий корхоналар ва бозорнинг янги иштирокчилари (хусусий бошқарувчи компаниялар) учун бозорга киришнинг нотенг шароитлари
Бошқарув	Уй-жой фондини капитал таъмирлаш муаммоларини ҳал этишга нисбатан эскича ёндашувлар Кадрлар тайёрлаш ва УКХ ходимларининг малакасини ошириш даражасининг пастлиги Ушбу соҳада нодавлат корхоналар сонининг камлиги, рақобатнинг деярли йўқлиги Нисбатан арзон уй-жойнинг қурилиши ундан фойдаланиш қийматининг ошишига олиб келади
Институционал	Бозор талабларига мос келмайдиган аҳолини кўчириш тизими (турар жой ҳудудларида сифат тоифаси бўйича турар жой биноларининг кам бирхиллиги) Талаб ва таклифнинг эркин ўзаро таъсири асосида нархни шакллантиришнинг бозор механизмлари бажарилмаяпти
Ахборот	Рақобатлашувчи тузулмаларнинг бозорга кириши учун зарур бўлган ахборотдан тенг фойдаланиш шартлари бажарилмаяпти УКХни таркибий ўзгартириш илғор тажрибаси ахборот билан қўллаб-қувватланмайди
Руҳий	Аҳолининг УКХ соҳасидаги бозор муносабатларига руҳий тайёр эмаслиги

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1.2-жадвалда келтирилган уй-жой коммунал хизматлар бозорида рақобат муҳитини шакллантириш жараёнига тўсқинлик қилувчи асосий сабабларни қуйидаги йўналишлар бўйича гуруҳлаш мумкин: иқтисодий; маъмурий (ташкилий); институционал; ахборот; бошқарув; руҳий; сиёсий-маъмурий.

Уй-жой коммунал хизматлар бозорида рақобат муҳитининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи сабабларнинг бундай кўплиги шароитида мазкур бозор табиий йўл билан шаклланмайди – уни ташкил этиш талаб қилинади. Бошқача айтганда, тармоқни таркибий ўзгартириш жараёнида юзага келган уй-жой коммунал хизматлар бозори ташкил этилган рақобат белгиларига эга бўлади, бу УКХда ислохотларни амалга ошириш муддатларини белгилаш нуқтаи назаридан муҳим.

Уй-жой коммунал хизматлар бозорида рақобат муҳитини шакллантириш жараёнига тўсқинлик қилувчи сабабларнинг пухта таснифланиши шундан далолат бермоқдаки, иқтисодий сабаблар (масалан, маблағларнинг йўқлиги) Бунда ҳал қилувчи рол ўйнамайди. Уларнинг асосийлари бозор жараёнларини бошқаришдаги камчиликлар, ушбу жараёнларга мослаша олмаслик, мазкур бозор иштирокчиларининг манфаатларини мувофиқлаштириш учун зарур бўлган бозор институтларини ташкил эта олмаслик, миллий иқтисодиётнинг ушбу ҳаётий муҳим соҳасида илғор тажрибани ахборот билан қўллаб-қувватлашни ташкил этишга қодир эмаслик билан боғлиқ.

Шу муносабат билан мазкур диссертация ишининг III бобида муаллиф томонидан биринчи бўлиб уй-жой коммунал соҳада бошқаришнинг бозор модели ишлаб чиқилди ва таклиф этилди.

3. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини оширишнинг стратегик ривожлантириш

Иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш стратегиясини изчил давом эттиришда қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш, қишлоқлар турмуш шароити ва фаровонлигини ошириш, қишлоқ инфратузилмаларини ривожлантириш ва унинг фаолият механизмларини такомиллаштириш, талаб ва таклиф асосида бошқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорини шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифасига айланди. Ҳақиқатан, ислохотнинг стратегия ва тактикаси нафақат аҳолининг яшаш шароитини кўтариш ва иқтисодий ўсишга эришиш, балки иқтисодий ислохотлар муваффақиятли олиб борилиши учун ҳам асосдир.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган аҳоли турмуш даражасини ошириш стратегиясида 2007-2010 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари йилига 8 фоиз атрофида бўлиши кўзда тутилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг кам таъминланган қатламлари даромадларини ошириш учун самарали механизмлар яратиш, аҳолининг муҳтож гуруҳларига (шу жумладан, кўп болали оилаларга) кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам тизимини кучайтириш ҳамда ҳудудлар ўртасидаги тафовутни камайтириш ва минтақаларнинг устувор жиҳатларидан тўлиқ фойдаланиш учун ҳудудларни комплекс ривожлантиришга интилиш зарурлиги кўрсатилган.¹⁶

Ижтимоий соҳага келганда эса мажбурий умум таълимни таъминлаш, ўрта таълимнинг юқори босқичи бўлмиш касбий таълим тизимини кенгайтириш ва унинг сифатини янада яхшилаш, камраб олиш


¹⁶ Комплексная стратегия социально-экономического развития и повышения благосостояния населения Кашкадарьинской области на 2009 – 2015 годы

кўрсаткичларини юксалтириш ва мактабгача таълим ҳамда олий таълим олиш имкониятлари борасидаги камчиликларни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилади. Соғлиқни сақлаш тизими бўйича мазкур соҳада хусусий секторнинг ролини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимига ажратиладиган маблағ ҳажмини кўпайтириш орқали аҳолининг барча ёшдаги гуруҳларини қамраб оладиган бирламчи соғлиқни сақлаш тизимининг қамровини кенгайтириш керак.

Иқтисодиётни таркибий тубдан ўзгартириш, модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ва унинг рақобатбардошлигини кескин ошириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари ҳисобланади. Бу борадаги мақсадга эришиш ички имкониятлар ва манбалардан, бой табиий-иқтисодий салоҳиятдан унумли фойдаланишни тақозо этади.

Хусусан, иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини тубдан такомиллаштириш, мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан унумли фойдаланиш, авваламбор, қишлоқ жойларда аҳолининг бандлик муаммоларини ҳал қилиш асосида турмуш даражасини янада ошириш, иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида таркибий ўзгартириш ва иқтисодиётни модернизациялаш сиёсати қишлоқлардаги хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга асосланган бўлиши долзарб масала ҳисобланади. Шунингдек, чўл ҳудудларида жойлашган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ҳам мамлакат тараққиётида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ҳудуди стратегиясининг асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланган. Қишлоқ ҳудудларини мажмуали ривожлантириш стратегиясининг асосида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда қишлоқ ҳудудлари иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ўстириш долзарб муаммодир.



1.6-расм. Қишлоқ аҳолиси турмуш шароитига таъсир этувчи омишлар.¹⁷

Бу вазифани қишлоқ ҳудудлари тараққиётига таъсир кўрсатувчи қуйидаги омишлар мажмуаси ёрдамида амалга ошириш мумкин (1.4-расм):

- иқтисодий омишлар: иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши минтақадаги мавжуд табиий ресурсларга, ишлаб чиқариш инфратузилмасига ва иқтисодиётнинг таркибий тузилишига боғлиқдир;
- ижтимоий омишлар: минтақа тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасига аҳоли даромадларидаги тафовутлар, ишсизлик даражаси, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимининг ҳолати каби қатор ижтимоий кўрсаткичлар таъсир кўрсатади;
- экологик омишлар: атроф-муҳитнинг ҳолати, даставвал, ресурслардан табиатга зарар етказмай фойдаланишга боғлиқдир;

¹⁷ Муаллиф ишланмаси.

- маъмурий омиллар: маҳаллий бошқарув ва ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлиги, улар фаолиятининг бошқа субъектлар билан уйғунлашуви минтақа ривожланишининг асосий шартларидан биридир.

Қишлоқларда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси турли ҳудудларда турли хусусиятларга эга бўлиши иқтисодий муаммолар характеридаги фарқлар билан изоҳланади. Бу йўналишда ижобий ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб қишлоқ ҳудудларини стратегик ривожлантириб бўлмайди.

Бунинг учун ҳар қандай иқтисодий ҳодиса, жараён ёки объект мураккаб тизим деб қаралиб, уни ифодаловчи қонуниятларнинг миқдорий ва сифат томонлари ўрганилади. Мураккаб иқтисодий жараён сифатида қараладиган қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини ижтимоий ривожлантиришга ҳам бундай ёндашиш унинг фаолиятини таҳлил қилиш ва стратегик режалаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Стратегик режалаштириш масалалари ўрганилаётган объект ёки иқтисодий жараённи англаб етиш билан чекланиб қолмай, балки ўрганиш жараёнида тўпланган билимни бозор иқтисодиёти амалиётида қўллаш, қўйилган мақсадларга эришиш учун унга ижобий таъсир ўтказиш тажрибасини эгаллашни ҳам кўзда тутати.

Қишлоқ аҳолиси турмуш шароитининг ижтимоий ривожланиши стратегиясини ишлаб чиқишда тизимли ёндашиш усулини қўллаш, унда амалга ошаётган эҳтимолли жараёнлар қонуниятларининг миқдор ва сифат жиҳатларини ўрганиш ва баҳолаш, булар эса мураккаб бозор иқтисодиётининг тузилиш механизмларини ўрганиш ва уларни истиқболли баҳолаш имкониятини яратади.

Бунда ҳар бир жараёнга мураккаб тизим сифатида қаралади. Натижада ўзаро боғланган қисмлардан, элементлардан ташкил топган иқтисодий жараёнларни, улар биргаликда иқтисодий жараённинг маълум хусусиятлари ва функцияларини юзага келтиради, бу эса, иқтисодий

механизмнинг ҳаракатини таъминлайди. Бундай усул макроиқтисодий жараёнларнинг ривожланиш тенденциясини таҳлил қилиш ва прогнозлашда кенг қўлланилади. Негаки, бунда ривожланишдаги бош омиллар ҳаракатларининг натижавий таъсирлари вақт омилида умумлаштирилган, деб қаралади.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити ва фаровонлигини стратегик режалаштиришда прогнозлаштиришнинг огоҳлантирувчи вазифасига ҳам эътибор қаратиш лозим. Бу уларнинг қатъиян аниқ муддатда ҳал қилишни талаб этган нохуш тенденцияларнинг ёки янги муаммоларнинг юзага келиш эҳтимоли тўғрисида хабар беришида ўз ифодасини топади.

Мақсадларни аниқлаш ва даражалаш бу ишнинг моҳиятини ташкил қилади. Ривожланиш мақсадини танлашда, бир томондан, таҳлил натижаларига асосланилса, иккинчи томондан, бозор иқтисодиётига ўтиш талабларидан келиб чиқиб, ҳудуднинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш кераклигига асосланилади.

Стратегияни ишлаб чиқиш жараёнида мақсадларнинг, яъни ҳудуд раҳбарияти ҳам, ҳудудий муҳитда амал қилаётган иқтисодий субъектлар ҳам бирдек эришишга интилаётган ривожланиш истиқболларининг аниқ ифодаланиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Мазкур тадқиқотда қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити батафсил таҳлил қилиниб, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасидаги тегишли кўрсаткичларнинг ўзгариши, хизмат кўрсатиш соҳаларининг истиқболдаги ривожланиши бўйича прогнозлар тақдим этилади.

Шу жиҳатдан келиб чиқиб, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда қуйидаги моделлаштириш механизмидан фойдаланишни таклиф этамиз (1.7-расм):

биринчи босқич- қишлоқ жойларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини таҳлил этиш;

иккинчи босқич- хизмат кўрсатиш соҳасининг тузилиши ва ривожлантириш кўрсаткичлари ҳолатини таҳлил этиш;

учинчи босқич- қишлоқ жойларда аҳоли даражасини ошириш, ижтимоий ривожлантириш моделларини ишлаб чиқиш;

тўртинчи босқич- қишлоқ ҳудудларининг ижтимоий ривожланишини прогнозлаш.



1.7-расм Қишлоқ аҳолиси турмуш шароити ва фаровонлигини ошириш моделлаштириш стратегиясининг услубий хусусиятлари

Бу босқичларни амалга ошириш ва моделлаштириш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадлари, вариантлари, сценарийлари ва параметрлари асосланади;

-хизмат кўрсатиш соҳасининг тузилиши ва ривожлантириш кўрсаткичлари ҳолати таҳлил қилинади;

- ижтимоий ривожланишнинг, турмуш даражаси ва сифатини оширишнинг имконият даражалари аниқланади;

- атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш, табиатдан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади;

- қишлоқ жойларда аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий ривожлантириш моделлари ишлаб чиқилади ва шулар асосида прогноз қилинади.

Қишлоқ жойларни ривожлантириш юзасидан прогнозлар вилоятнинг ҳудудларини камраб олиб, уларнинг иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражалари ўртасида мавжуд бўлган тафовутларни юмшатиш учун хизмат қилади.

Стратегия учун зарур бўлиши мумкин бўлган энг муҳим умумий ҳулосалардан бири шундан иборатки, ижтимоий инфратузилма ва хизматлар сифатини яхшилаш имконини берадиган дастурларни ҳаётга татбиқ этиш билан алоҳида эътиборга олинishi кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, 2010 – 2015 йиллар давомида (кейинги даврда ҳам) Қашқадарё вилояти ҳудудий ривожлантириш стратегиясининг таркибий қисми сифатида қабул қилинадиган лойиҳалар тупроқ унумдорлиги ва сув ресурсларини сақлаб қолиш, ерлар деградацияси (таназзули) ва саҳроланишга қарши курашиш, аҳолининг иш билан таъминланиш даражасини тартибга солиш имконини бериши учун технологик модернизация ва инсоний капитални шакллантириш, қишлоқ фаровонлигига сармоялар йўналтириш борасидаги узоқ муддатли (2020 йилларгача) мақсадларга мувофиқдир.

I боб бўйича хулоса

1. Мамлакатни модернизациялаш шароитида аҳолига хизмат кўратиш соҳаси фаолиятининг дастлабки асос ва йўналишлари ишлаб чиқилди.

2. Иқтисодий ислохотлар ва устувор вазифалар ва мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий йўналишларни кўрсатиб бериш лозим ;

3. Аҳолига хизмат кўратиш соҳасини ривожлантириш ва уни амалга оширишнинг ҳуқуқий-меъёрий базасини яратиш лозим;

4. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида мавжуд бўлган камчилик ва муаммоларни ижобий ҳал этиш, замонавий иқтисодий фикрларнинг илмий йўналишлари асосида чуқур таҳлил қилиб бориш зарур.

5. Аҳолининг турмуш тараққиёти ва фаровонлигини баҳолаш, қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва уларда белгиланган тадбирларни бевосита ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги талабларига мос стратегик режалаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

II боб. Қашқадарё вилояти мисолида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг таҳлили

1. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг статистик таҳлили

Ушбу бобда Қашқадарё вилояти мисолида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини таҳлил қилишда ана шу тамойиллардан фойдаланишнинг айрим жиҳатларини кўриб чиқилган.

Аҳолининг турмуш шароитига аҳоли жойлашуви ва хизмат кўрсатиш соҳаларини эътиборга олинган, бунда қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилашда, энг аввало, унинг яшаб турган ҳудуди алоҳида ўрин тутди. Бунда 3 та асосий омилга эътибор қаратилган:

Биринчиси-табiiй иқлими шароитлари. Биз Қашқадарё вилояти қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини таҳлил қилишимиз натижасида уни уч ҳудудга бўлиб ўргандик. Булар қуйидагилар:

1.Тоғолди (юқори) ҳудудлар, буларга Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Деҳқонобод туманлари ҳамда Чирокчи ва Қамаш туманларининг бир қисми киради. Мазкур ҳудудларда ичимлик суви табiiй ҳолда, яъни булоқ сувлари билан таъминланган. Газ билан таъминланганлик даражаси жуда паст, шу сабабли ёқилғи муаммосини дарахтларни кесиб, ўзларини таъминлаб ҳал қилмоқдалар. Бу экологиянинг бузилишига катта таъсир кўрсатади. Бу ҳудудларда ёғингарчилик кўп бўлганлиги сабабли транспорт йўллари талаб даражасида эмас. Ҳозирги вақтда электр энергияси танқислиги яққол кўриниб турибди, бу муаммоларни ҳал қилиш учун электр энергияси ишлаб чиқарувчи иншоотлар қуриш лозим.

2.Ўрта ҳудудлар. Бу Чирокчи, Қамаш, Қарши, Косон ва Ғузор туманларини ўз ичига олади. Бу ҳудудларнинг ўзига хослиги транспорт йўли ва газ билан таъминланганлик даражаси бошқа туманларга қараганда анча юқори.

3.Қуйи ҳудудлар. Бу Касби, Нишон, Муборак каби туманларни ўз ичига олади. Муборак ва Нишон туманларида коммунал маиший

хизматлар билан таъминланганлик даражаси бошқа туманларга қараганда анча юқори, чунки Бунда кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд, шу боис иш билан бандлик юқори даражада.

Иккинчиси- ер-сув ва табиий ресурсларнинг мавжудлиги. Бу аҳоли турмуш шароитини яхшилашда катта аҳамиятга эга. Масалан: Ғузор туманидаги Шўртан нефть ва газ корхонаси, Деҳқонободдаги Калий заводи, Муборак туманидаги Кимё комплекси каби муҳим аҳамиятга эга заводлар аҳолини иш билан таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Ғалла ва пахта маҳсулотлари етиштириш бўйича асосий ўрин эгаллаб турган вилоятнинг ер-сув ресурслари етарли даражада.

Учинчиси- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари. Бу шундан ибаротки, вилоят чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришда ҳам юқори кўрсаткичларга эга. Шунга қарамасдан, вилоят қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити бошқа вилоятларга қараганда сезиларли даражада паст.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши, албатта, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларига қараб ошади, аммо таклиф қилиш жараёни талаб даражасида эмас. Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш соҳалари қай даражада бўлиши меҳнат унумдорлиги ошиши ёки пасайишига асосий омил сифатида намоён бўлмоқда. Қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини оширишда, авваламбор, қишлоқларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар, ўз-ўзини таъминлайдиган электр энергияси ишлаб чиқарувчи қурилмалар қуриш лозим. Булар, ўз навбатида, аҳолини иш билан таъминлайди, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга катта таъсир кўрсатади, қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлайди ва ишлашга бўлган ғайратини янада оширади.

Қашқадарё вилоятининг маъмурий ҳудудий бўлиниши

№	Шаҳар ва туманлар	Ўртача йиллик аҳоли сони, (минг киши)	шу жумладан:		оилалар сони, минг та	шу жумладан:		Ҳудуд майдони, минг кв.км.	Аҳоли зичлиги 1 км ² /киши
			шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ		
	Вилоят бўйича жами:	2589,6	1125,9	1463,7	586,4	246,7	339,7	28,6	91
1.	Қарши ш.	236,0	236,0	0,0	41,3	41,3		0,1	2360,0
2.	Ғузор	160,7	39,4	121,3	36,9	9,1	27,8	2,6	62,0
3.	Дехқонобод	116,3	21,9	94,4	22,7	4,3	18,4	4,0	29,0
4.	Қамаш	209,9	50,3	159,6	48,6	11,7	36,9	2,6	81,0
5.	Қарши т.	191,3	68,4	122,9	58,1	20,8	37,3	0,9	213,0
6.	Косон	223,3	113,5	109,8	49,7	25,3	24,4	1,8	124,0
7.	Касби	150,1	58,2	91,9	34,9	13,5	21,4	0,7	214,0
8.	Китоб	212,1	81,6	130,5	47,3	18,2	29,1	1,8	118,0
9.	Миришкор	93,0	35,5	57,5	19,5	7,4	12,1	3,1	30,0
10.	Муборак	68,9	54,6	14,3	14,8	11,8	3,0	3,1	22,0
11.	Нишон	109,4	65,6	43,8	23,6	14,2	9,4	2,1	52,0
12.	Чирокчи	311,4	75,0	236,4	71,8	17,3	54,5	2,8	111,0
13.	Шахрисабз	297,8	158,8	139,0	66,8	35,6	31,2	1,7	175,0
14.	Яккабоғ	209,4	67,1	142,3	50,4	16,2	34,2	1,3	161,0

Қашқадарё вилоятида 2010 йилда 28,6 минг квадрат километр майдонда қарийб 2671 минг киши истиқомат қилди. Аҳоли сонининг ўсиши 2010 йилда 1,9 фоизни ташкил этгани ҳолда (1999 йилда қайд этилган 2 фоизга нисбатан камайган) ҳали ҳам республика миқёсидаги ўртача кўрсаткич -1,2 фоиздан юқориликка қолмоқда. Қишлоқ жойларида аҳоли ўсишининг янада юқорироқ кўрсаткичлари кузатиляпти. Қишлоқ аҳолиси 1463,7 минг кишини ташкил қиляпти .

¹⁸ Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси материаллари.

Вилоятда аҳолиси ўсиш даражасини оптималлаштиришда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни эътиборга олиш зарур.

Вилоятда оилалар тузилмаси юқори даражадаги боқимандалик кўрсаткичи билан тавсифланади, зеро, оиладаги бир нафар ишлайдиган аъзога шаҳар жойларида ўртача 2,8 нафар, қишлоқ жойларида эса 3,4 нафар ишламайдиган аъзо тўғри келади. Энг юқори даражадаги боқимандалик кўрсаткичи таркибида бир нафар ишлайдиган аъзога ўртача 4 нафар тобе аъзо (улардан 3,5 нафари болалар) тўғри келадиган кам даромадли оилаларда қайд этилмоқда. Аҳолининг 55,1 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдагилар гуруҳига мансуб бўлиб, 39 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёшдагилар, 5,9 фоизи шу ёшдан катта ёшдагилардир.

Аҳолининг Қашқадарё ҳудуд бўйича тақсимланиши номуносибдир. Энг катта қисми аҳоли нисбатан гавжум бўлган шарқий Қашқадарёда яшайди. Ундан кичикроқ, аммо нисбатан салмоқли қисми - бошқа ҳудудларга қараганда кам таъминланган марказий Қашқадарёда истиқомат қилади. Энг кам аҳоли ғарбий Қашқадарёда яшайди ва вилоятнинг ушбу қисмида истиқомат қилаётган одамларнинг аксарияти Муборак туманида жамланган.

Вилоятдаги меҳнат ресурслари сони 1568,9 минг нафар кишини ташкил қилиб, улардан 208,1 минг нафари давлат корхона ва ташкилотларида, 795,6 нафари нодавлат корхона ва ташкилотларда, жуда оз қисми хизмат кўрсатиш соҳаси, шу жумладан, туризмда, қолганлари эса иқтисодий секторда банд. Аҳолининг 60 фоизи қишлоқ жойларида яшасада, қишлоқ хўжалигининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши атиги 30 фоизни ташкил қилади.

Мазкур соҳанинг аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотни яратиш борасида муҳим аҳамият касб этишига қарамай, қишлоқ хўжалигига йўналтирилаётган сармояларнинг умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши ҳали ҳам жуда кичик миқдорни (тахминан 5 фоизни) ташкил қилмоқда. Ирригация ва дренаж тизимларига

ажратиладган инвестициялар миқдорининг етарли даражада эмаслиги қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кейинги ўсишга жиддий тўсқинлик қилмоқда.

2.2 жадвал

Қашқадарё вилоятида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолати

№	Шаҳар ва туманлар	2012 йил ҳолатига аҳоли сони		Ишлаётган ўсмирлар ва нафақахўрлар сони, м.киши	Иқтисодий фаол аҳоли, м.киши	Иқтисодиётда банд аҳоли сони, м.киши	Жами ишсизлар сони, м.киши
		шаҳар, м.киши	қишлоқ, м.киши				
	Вилоят бўйича жами:	1203,9	1573,9	7564,0	990,5	940,2	50,1
1.	Қарши ш.	247,0		1747,0	114,8	122,9	4,5
2.	Ўзгор	41,7	133,5	431,0	64,6	54,9	3,4
3.	Дехқонобод	24,0	99,0	281,0	48,1	33,8	2,6
4.	Қамаш	53,8	173,2	322,0	82,7	69,2	4,3
5.	Қарши т.	74,3	130,8	508,0	72,5	78,5	3,4
6.	Қасби	63,7	102,4	394,0	50,6	51,5	2,8
7.	Қитоб	85,2	138,8	645,0	79,0	69,6	3,2
8.	Қосон	123,3	116,4	650,0	76,7	73,5	4,5
9.	Қиришқор	38,3	64,8	138,0	31,7	44,2	2,3
10.	Қуборак	59,4	15,7	289,0	32,9	43,1	1,8
11.	Қишон	75,7	49,1	226,0	40,5	56,9	1,9
12.	Қироқчи	81,4	252,2	532,0	96,0	85,6	5,5
13.	Қаҳрисабз	163,9	147,8	939,0	125,1	95,0	5,9
14.	Қаккабўғ	72,6	150,2	462,0	75,2	61,5	4,0

Вилоятда, асосан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эътибор қаратилади. Умуман олганда, вилоятда нафақат газ саноати ва пахта билан боғлиқ соҳалар, балки бутун иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш ва ички бозор учун халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш секторига кўпроқ эътибор берилади.

Вилоятда амалга оширилиши мумкин бўлган стратегиялардан қуйидаги йўналишлар эътиборга лойиқ: қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш

ва замонавий хизматлар кўрсатиш соҳалари. Вилоятни бир-биридан фарк қиладиган учта ижтимоий-иқтисодий ҳудудга бўлиш мумкин:

1. Юқори-марказий қисми (Шаҳрисабз, Китоб ва Қарши шаҳри (2700 йиллик юбилейи муносабати билан катта ҳажмдаги давлат инвестициялари ва хусусий инвестициялардан фойдаланган вилоят маркази)) аҳолининг катта қисми яшайдиган ҳудуд бўлиб, вилоят бўйича энг юксак иқтисодий салоҳият ва энг яхши ижтимоий кўрсаткичларга эгадир. Мазкур ҳудуд унумдор ерлар, боғлар, сув манбалари, тарихий обидалар, хуш манзарали тоғлар, юқори ва ўрта малакали меҳнат ресурслари, ривожланган агросаноатга эга бўлиб, бу ерга катта миқдорда пул ўтказмалари келиб тушмоқда. Шу сабабли мазкур ҳудуд мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш борасида самарали рағбатлар ва қулай имкониятлар яратишга қаратилган сиёсатнинг амалга оширилишидан катта фойда кўриши мумкин.

2. Марказий қисм (Қарши, Деҳқонобод, Ғузор, Қамаш ва бошқа туманларни олади) салоҳияти нуқтаи назардан ҳам, ижтимоий ривожланиш нуқтаи назардан ҳам пастроқ кўрсаткичларга эга. Қашқадарё вилояти марказий қисмидаги (ғарбий ҳудудларининг аксарият қисмидаги) кўпгина ҳудудлар— суғорилмайдиган, мелиорация қилинган ерлардир. Бу ерларда қишлоқ хўжалигининг қурғоқчиликка заифлиги юқори даражада бўлиб, яйловларнинг жиддий тупроқ (шамол) эрозиясига олиб келадиган ҳолатлар учраб туради, эски инфратузилмага қониқарсиз хизмат кўрсатилиши ва ирригация тизимида янги инвестицияларнинг етишмаслиги асосий экинлар ҳосилининг пасайишига ва чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига олиб келмоқда.

3. Аҳолиси тахминан 70 минг нафар кишини ташкил қиладиган ғарбий қисм (Муборак тумани) Муборак шаҳри, 32 та қишлоқ ва 21 та маҳалладан иборат. Ушбу ҳудуд аҳоли сийрак жойлашганлиги билан ажралиб туради, шу билан бирга, у меҳнат унумдорлиги, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар, бандлик кўрсаткичлари, сув (97%) ва

газ (86%) билан таъминланганлик даражасининг юқорилиги ҳамда ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларининг ижобийлиги билан тавсифланади. Албатта, бу ҳудудда ҳам айрим оилалар кам таъминланган оилалар тоифасига киради, аммо туман раҳбарияти уларга ишлаб чиқаришда иштирок этиш учун шароит яратиб бериш(тикув машиналари, чорва моллари ва ҳоказоларни) орқали аҳолининг даромад олиш имкониятларини кенгайтириш бўйича фаол чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Муборак туманининг энг катта бойлиги “Муборакнефтваз” томонидан ўзлаштирилаётган газ конларидир. Йилига тахминан 36-38 миллиард кубометр газ қазиб чиқараётган бу корхона ва фирмаларнинг ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш борасидаги имкониятларини кенгайтирган ҳолда аҳолининг иш билан бандлигини ҳам бевосита, ҳам билвосита таъминланиб келмоқда. Шунингдек, мазкур туманда газ саноатининг хом-ашёсини қайта ишлашга ихтисослашган янги завод ҳам барпо этиш режалаштирилган. Йирик нефть газ қазиб чиқариш корхонасидан ташқари ушбу ҳудудда ёнилғи-энергетика соҳасида қатор корхоналар фаолият юритмоқда, шунингдек, мазкур ҳудуд ғалла (30000 тонна), майда туёқли мол (70000 бош қоракул қўйлари) ва пахта (25000 тонна) билан ўз эҳтиёжларини қоплашга эришмоқда.

Мазкур ҳудуд вилоятнинг бошқа қисмлари иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлари ҳамда аҳолининг турмуш даражасини кўтаришда муҳим роль ўйнаши мумкин. Зеро, Бунда вилоятнинг бошқа жойларида яшаб, мазкур туманда маҳаллий саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаши мумкин бўлган қўшимча мигрантларни иш билан таъминлаш имкониятлари мавжуд. Шунингдек, мазкур ҳудуд давлат бюджетига нисбатан донор вазифасини бажаради, чунки газ учун рента тўловининг 97 фоизи ва газ саноатида банд бўлганлар томонидан тўланаётган даромад солиғининг (яъни, катта миқдордаги маблағ) 50 фоизи давлат бюджетига ўтказилади. Ана шу солиқларнинг вилоятда қоладиган қисмини бироз бўлса-да кўпайтириш орқали катта миқдордаги ресурсларни бўшатиб олиш

имкони қўлга киритилади. Ушбу ресурсларни вилоятнинг энг кам таъминланган ҳудудларида махсус дастурларни амалга оширишга йўналтириш ёки вилоятнинг бошқа жойларида аҳоли бандлигини яхшилашга реинвестиция қилиш мумкин бўлади.

Олиб борилган кузатув натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кам таъминланганлар тоифасига тушиб қолиш ҳавфи қишлоқ жойларида яшовчи аҳоли учун анча юқори (28,8 фоиз, таққослаш учун: шаҳарда- 17,9 фоиз). Қашқадарё вилоятида кам таъминланганларнинг аксарияти (74 фоиз) қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Шу билан бирга, бошқа вилоятларда сингари Қашқадарёда ҳам кичик шаҳарларда яшовчи фуқаролар учун кам таъминланганлар тоифасига тушиб қолиш ҳавфи жуда юқори эканлигини тасдиқловчи ҳолатлар мавжуд. Ушбу тадқиқотдан маълум бўлдики, кичик шаҳарларда яшовчи одамлар уй хўжаликларида ердан фойдаланиш имкони йўқлиги ва уларнинг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда банд бўлиши сабабли улар учун кам таъминланганлар тоифасига тушиб қолиш ҳавфи кўп ҳолларда қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган одамларникидан кўра анча юқори.

Вилоят қишлоқ жойларида аҳоли турмуш шароити, турмуш тарзи ва аҳволининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни аниқлашда сўровнома усулидан фойдаланилди. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда 2010 йилда Қашқадарё вилояти Китоб туманининг аҳолиси ўртасида анкета сўровнома ўтказилди (1,2-илова).

Тадқиқот жараёнида олиб борилган сўровнома натижаларини умумлаштирилиб, қуйидаги хулосага келинди: жисмоний ва юридик шахсларнинг коммунал хизматлардан фойдаланиш имкониятларига оид маълумотлар бир-биридан фарқ қилади. Сўровнома натижалари асосида йиғилган маълумотларда уй хўжаликлари ва фирмаларнинг сув, газ ва электр энергияси таъминоти билан қамраб олинганлиги даражаси акс эттирилса-да, уларнинг етказиб берилиши борасидаги муаммолар кўрсатилмаган. Ушбу маълумотларга кўра, 2006 йилда Қашқадарё

вилоятидаги уй хўжаликларининг 81 фоизда (шаҳарларда 93,8 фоизда, кишлоқ жойларида эса 78,3 фоизда) ичимлик суви тармоғидан фойдаланиш имкони бўлган. Шу билан бирга, вилоят ичидаги ҳудудлар ўртасида мазкур кўрсаткич бўйича кескин тафовутлар ҳам бор: қатор туманларда уй хўжаликларининг 80 фоизи ичимлик суви тармоғидан

2.3-жадвал

Қашқадарё вилояти туманлари ҳудудида аҳоли таъминоти

№	Шаҳар ва туманлар номи	Аҳоли таъминоти						Хар 100 минг кишига нисбатан касалланганлар сони	Хар 1000 кишига нисбатан ногиронлар сони
		1 кишига тўғри келадиган уй-жой (қв.м)	Хар 10 минг кишига нисбатан касалхона ўринлари	Хар 10 минг кишига тўғри келадиган амбулатория поликлиника муассасалари	1 сменада ўқувчилар, %	Ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси, %	Табиий газ билан таъминланганлик даражаси, %		
1.	Қарши ш.	15,2	147,5	1,0	63,8	96,0	98,0	23279,6	1,3
2.	Ғузор	11,8	19,8	2,2	74,8	71,0	44,4	18710,6	1,2
3.	Дехқонобод	11,8	30,1	1,7	81,6	51,1	45,5	23655,8	1,0
4.	Қарши	16,2	12,6	1,3	65,8	84,6	80,0	19233,2	1,3
5.	Косон	7,7	33,0	1,3	64,5	84,4	62,1	4170,4	1,2
6.	Қамаши	13,8	22,6	1,1	63,1	84,2	44,8	21253,3	0,8
7.	Қасби	16,7	27,6	2,1	78,2	70,2	81,9	19804,7	0,9
8.	Китоб	18,9	63,8	1,2	81,1	88,9	66,8	16223,8	1,1
9.	Нишон	12,5	32,6	1,6	60,2	82,7	78,7	6217,3	0,7
10.	Муборак	19,7	35,7	2,1	62,9	88,7	70,9	13068,6	1,0
11.	Миришкор	15	39,4	2,1	66,7	74	70,2	9902,2	0,8
12.	Чирокчи	9,6	21,0	0,8	49,1	82,2	61,1	13743,5	0,8
13.	Шахрисабз	10,3	41,9	1,0	72,5	84,9	76,3	16384,3	0,9
14.	Яккабоғ	13,0	27,5	1,3	83	73,1	52,7	37965,7	1,2
	Вилоят бўйича жами:	13,1	41,7	1,3	64,8	82,2	71,0	17752,8	1,0

фойдаланиш имконига эга бўлишган бир пайтда Дехқонобод ва Ғузор туманларида ушбу хизматлар билан уй хўжаликларининг тегишли равишда

40 фоизи ва 68 фоизи қамраб олинган эди. Худди шу тариқа мазкур манбаларда газ таъминоти тизимига уй хўжаликларининг 73 фоизи уланганлиги эътироф этилмоқда.

Электр энергия, газ ва сувдан нооқилона фойдаланиш даражасини пасайтириш ва уларни иқтисод қилишни рағбатлантириш лозим. Ўзбекистон – дунёда энергия ресурсларини иқтисод қилиш борасида энг паст кўрсаткичларга эга бўлган мамлакатлардан бири, иқтисодиётнинг энергия сарф қилишлик даражаси эса ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳисоблаганда жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар юқори. Бундай ҳолат технологиялар эскирганлиги, янги инвестициялар миқдорининг чекланганлиги ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар энергияни тежаш борасида етарлича рағбатларга эга эмасликлари боис рўй бермоқда. Аслида мамлакат ҳамда вилоятда иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасига зарар етказмаган ҳолда электр энергия сарфини 40-50 фоизга камайтириш мумкин (БМТТД 2007 й)¹⁹. Уй хўжаликлари томонидан сарфланаётган электр энергия умумий рақамнинг атиги 14 фоизини ташкил қилади .

Ресурсларни тежашга қаратилган энг катта ҳажмдаги ишлар саноат соҳаси, шу жумладан, энергетика тармоғининг ўзида бажарилиши лозим бўлган бир пайтда тежамкорлик сиёсатини оилалар даражасида ҳам амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Суғориш сувлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ирригация учун ажратиладиган сув ресурсларидан норационал тарзда фойдаланилмоқда, дренаж тизимлари ва ирригация тармоқларига хизмат кўрсатиш соҳаси эса етарли даражада молиялаштирилмаяпти. Шу боис қишлоқ хўжалигида сув сарф қилишлик даражасини пасайтириш ва сув ресурсларидан фойдаланиш тизими бошқарувни яхшилаш зарурати яққол кўзга ташланмоқда. Бунга сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини (СФУ) янада ривожлантириш орқали эришиш мумкин.

¹⁹ “Ўзбекистонда энергетика ислохотларини давом эттириш варинатлари”, Стратегия резюмеси п.1 (8), 2007. БМТ ТД, Ўзбекистон.

2009 йилда ўтказилган таҳлилга кўра, уй хўжаликларининг 81 фоизида ёки марказлаштирилган сув таъминоти умуман бўлмаган ёки у ишламаган, яна 9,9 фоизида сув таъминоти узилишлар билан ишлаган. Натижада уй хўжаликларининг 13,1 фоизи сув қўл насослари ёрдамида тортиб олишган, 19,6 фоизи сувни очик ҳавзалардан олишган, 34,3 фоизи бошқа жойлардан автоуловларда олиб келинган сувдан фойдаланишган. Шунингдек, мазкур шарҳда келтирилган маълумотларга кўра, 2009 йилда уй хўжаликларининг 48,4 фоизи газ таъминотига эга бўлишмаган, 18,2 фоизи эса тармоққа уланган бўлишса-да, тез-тез рўй бераётган узилишлардан зарар кўришган. Электр энергияси таъминотига келганда эса деярли барча уй хўжаликлари тармоққа улангани ҳолда уларнинг 73,5 фоизи доимий узилишлардан шикоят қилишди. Марказлаштирилган иситиш тармоқларининг тахминан ярми авария ҳолатида ишламай турибди. Қишлоқ жойларида иссиқ сув таъминоти ва марказлаштирилган иситиш тизими деярли йўқ. У ердаги уй хўжаликлари газдан фойдаланишади, у бўлмаган тақдирда (юқорида қаранг) эса дарахтлардан фойдаланишади. Коммунал тизимларнинг фаолият даражаси паст бўлишига қарамай, шарҳдаги маълумотларда акс эттирилишича, кам таъминланган оилалар коммунал хизматлари учун тўловларга умумий даромадининг 7,5 фоизини (кам таъминланмаганлар эса 6,3 фоизини) сарфлашган. Гарчи, юқорида қайд этилганидек, электр энергияси таъминотида узилишлар тез-тез рўй берса-да, коммунал тўловлар билан боғлиқ харажатларнинг асосий қисми электр энергиясига тўғри келади.

Қашқадарё вилояти электр энергияси, газ ва сув таъминотидаги беқарорликдан зарар кўриб келмоқда.

Уй хўжаликлари бюджети кузатуви ва вилоятда ўтказилган кейинги тадқиқотларнинг респондентларни танлаш услуби ҳар бир туман учун алоҳида кам таъминланганлик кўрсаткичларини ҳисоблаш имконини бермайди.

Ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси таъминоти соҳасида мавжуд тизимларнинг беқарор ишлаши аҳоли турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Таъминотдаги бу узилишлар маҳалла аъзолари (хусусан 2009 йилда Китоб туманида ўтказилган суҳбатлар ва мақсадли гуруҳлардаги музокараларнинг иштирокчилари) томонидан устувор муаммо сифатида таърифланмоқда. Кам таъминланган ва кам таъминламаган уй хўжаликлари ўртасида коммунал хизматлардан фойдаланиш имкониятлари борасида кескин фарқ йўқ, зеро, кам таъминланганлар ҳам, кам таъминланмаганлар ҳам мавжуд инфратузилманинг ўта эскирганлигидан бир хил зарар кўришмоқда. Шу билан бирга, кам таъминланган уй хўжаликлари ўз олдида турган коммунал муаммоларни бошқача тарзда, масалан, ичимлик суви ёки бошқа турдаги ёқилғини сотиб олиш йўли билан тўлиқ бартараф этиш имкониятларига эга эмас. Юқори даромадли оилалар, хонадонларни иситиш учун зарур бўлган кўмир ёки тоза ичимлик сувини сотиб олишлари мумкин, аммо кам таъминланган оилалар ҳар доим ҳам бунга қодир эмас. Шунингдек, электр энергияси таъминотидаги узилишлар соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Соғлиқ учун хавфсиз ичимлик суви, электр энергияси ва табиий газ таъминотининг соз ҳолатдаги тизимларидан фойдаланиш имкониятларининг чеклангани аҳоли турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу омиллар, бир томондан, аҳолининг, ичимлик суви ва иситишнинг муқобил манбаларидан фойдаланиш имконига эга бўлмаган кам таъминланган оилаларнинг турмуш шароитларига, иккинчи томондан эса, соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасалар ва мактаблар ишига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаяпти.

Мавжуд ҳолатлар таҳлили шундан далолат бermoқдаки, кам таъминланганликнинг умумий даражаси нисбатан пасайиб борган бўлса-да, турли ҳудудларда жойлашган уй хўжаликларининг пул даромадлари миқдори ўртасидаги тафовутлар сақланган.

Худди шу тариқа кам таъминланганлар ва кам таъминланмаганлар учун ишсиз мавқеига эга бўлиш эҳтимоли борасида ҳам минимал тафовутлар бор. Кўриниб турибдики, бунда бандлик мавқеи эмас, балки бандликнинг тури ёки сифати муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, кам таъминланганларнинг аксарияти уй хўжалиги билан банд бўлишса-да, уларнинг олган даромади кам таъминланганликдан сақлаб қололмайди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатяптики, кам таъминланганларнинг аксарияти кам маош тўланадиган ишлар ва мавсумий фаолият турлари билан шуғулланишади. Масалан, ўз оилаларига тегишли томорқада қисман банд бўлишади ёки қишлоқ хўжалиги соҳасидаги вақтинчалик, мавсумий ишларга жалб қилинишади, ёхуд қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган секторда майда савдо билан шуғулланишади. Қишлоқ жойларида бандлик кўрсаткичларининг бироз ўсиши кузатилмоқда. Зотан, у ерда боғ ва томорқаларда иш топиш имкониятлари мавжуд, аммо кичик шаҳарларда бандлик даражаси одатдагидан нисбатан паст.

Шу билан бирга, ўз ер майдонларида қисман банд бўлган одамлар ҳам иш билан банд бўлганлар тоифасига киритилган. Меҳнат билан банд аҳолининг 18 фоизи кичик деҳқон хўжаликларида меҳнат қилишади, уларнинг ярмидан кўпи ўзларини ишсиз, деб ҳисоблашади. Агар улар ишсизлар тоифасига киритилса, ишсизлик даражаси 14,6 фоизгача кўтарилар эди. Кам таъминланганлар орасида ҳеч қаерда ишламаётган ва иш изламаётган, шу билан бирга, ўқувчи ҳам, пенсионер ҳам бўлмаган, меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамлар бор, уларнинг аксарияти - аёллар.

Кам таъминланганлар ва кам таъминланмаганлар банд бўлган секторлар ўртасида ҳеч қандай муҳим тафовут йўқ. Кам таъминланганлар тоифасига кирмаган уй хўжаликлари аъзоларининг 54,2 фоизи, кам таъминлаган уй хўжаликлари аъзоларининг эса 50,3 фоизи қишлоқ хўжалигида ишлайди. Қишлоқ хўжалиги секторидан ташқари бюджет сектори (давлат хизматчилари, мактаб ўқитувчилари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг ходимлари ва ҳоказолар) энг йирик иш берувчи

хисобланади (банд бўлганларнинг 20 фоизи ушбу секторда фаолият кўрсатади), аммо бу соҳада ҳам кам таъминланган ва кам таъминланмаган уй хўжаликлари аъзоларининг иштироки деярли тенг. Хусусий сектор бандликнинг йирик манбаси бўлганича йўқ (ишчи кучининг 4-5 фоизи), зеро, унда банд бўлган ишчи кучининг миқдори хатто давлат муассасаларидагидан ҳам оз (9,5 фоиз).

Қишлоқ хўжалиги сектори доирасида банд бўлганларнинг қарийб ярми фермер хўжаликларида ёки ёлланма ишчилар сифатида ёхуд оила аъзolari томонидан фермерлик хўжаликларидан ижарага олинган ерларда ишлашади.

Фермер хўжаликлар ўртача 16 нафар ишчини ёллайди, улардан 5 нафари норасмий равишда. Ишлаб чиқариш турлари бўйича энг кам меҳнат талаб қилинадиган фермер хўжаликлар боғдорчиликка ихтисослашган хўжаликлардир (улар тахминан 8-9 кишини ёллайди), энг кўп меҳнат талаб қилинадиган фермер хўжалиги чорвачилик хўжаликларидир (ўртача 18-20 киши). Фермер хўжаликлар сонининг ўсиши расмий бандлик даражасининг пасайишига олиб келмоқда. Чинончи, иш жойларининг барқарорлиги аввалгига нисбатан пастроқ бўлиб, кўпроқ мавсумий ишлар вужудга келади. Умуман олганда, болали уй хўжаликлари бўйича кам таъминланганлик кўрсаткичи болалари йўқ уй хўжаликларинидан кўра икки баравар юқори. Кам таъминланганлар ва кам таъминланмаганлар оилаларининг ўртача катталиги борасида бироз фарқ (тегишли равишда 6 ва 5 нафар оила аъзоси) мавжуд, аммо уй хўжаликларида болалар, айниқса, 7 ёшгача бўлган болалар борлиги кам таъминланганлар тоифасига тушиб қолиш ҳавфини оширади (кам таъминланган уй хўжаликларининг 14,5 фоизида 7 ёшгача бўлган болалар бор, кам таъминланмаган уй хўжаликларининг эса 12,4 фоизида). Уй хўжалигида пенсионерларнинг мавжудлиги, тахмин қилиш мумкин бўлганидек, кам таъминланганлар тоифасига тушиб қолиш ҳавфини оширмайди.

2. Вилоят аҳолисига пуллик ва маиший хизмат кўрсатиш

даражасини тахлили

Хизматлар соҳасининг табиатини Қашқадарё вилояти мисолида аҳолига маиший ва пуллик хизмат кўрсатиш даражасини таҳлил қилиш орқали, шаҳар ёки қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш даражасининг жон бошига ҳисоблаганимизда ҳудудлар ўртасидаги тафовутларда кўришимиз мумкин.

Худди шунингдек, Қашқадарё вилоятида ҳам аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси кескин ошиб бормокда (2.4-жадвал).

2.4-жадвал

Вилоят аҳолисига хизмат кўрсатиш даражасининг ўсиши

Йиллар	Аҳоли сони, минг киши	Маиший хизматлар, млн. сўм	Пуллик хизматлар, млн. сўм
2001	2166,3	1802,2	6688,1
2002	2212,7	4427,1	12727,3
2003	2253,7	6502,2	17776,5
2004	2294,7	8929,2	27531,8
2005	2336,4	12389,7	40051,3
2006	2378,2	13705,2	46915,5
2007	2419,8	19922,6	69287,1
2008	2462,2	25418,9	100103,4
2009	2506,2	28686,5	152604,5
2010	2565,9	35248,7	223317,8
2011	2615,5	38135,9	286185,1
2012	2671,0	48344,8	377113,1

Жадвалдан кўриниб турибдики, вилоят аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш даражаси 1999 йилда 1802,2 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб 48344,8 млн.сўмни, пуллик хизматлар ҳажми эса 1999 йил 6688,1 млн.сўмни, 2012 йилда 377113,1 млн.сўмни ташкил этди. Вилоят аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш даражаси 2003 йилда 12389,7 млн. сўмни ташкил қилган, бу аҳоли жон бошига 5302,9 сўмга тўғри келади, 2010 йилда 48344,8 млн.сўм, жон бошига ўртача 18099,9 сўмга

тўғри келаяпти. Шу жумладан шаҳар аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш даражаси 2003 йилда 5203,7 млн. сўмни ташкил қилган, бу аҳоли жон бошига 8976,5 сўмга тўғри келади, 2010 йилда 29968,8 млн.сўм, жон бошига ўртача 20269,3 сўмга тўғри келаяпти.

2.5-жадвал

Қашқадарё вилоятида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражасининг жон бошига ўсиш кўрсаткичи

Кўрсаткичлар	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Вилоят бўйича аҳоли сони, минг киши	2336,4	2378,2	2419,8	2462,2	2506,2	2565,9	2615,5	2671,0
Қишлоқ аҳолиси, минг киши	1756,7	1790,7	1824,2	1855,5	1892,4	1455,5	1480,5	1496,6
Шаҳар аҳолиси, минг киши	579,7	587,5	595,6	606,7	613,8	1110,2	1135	1146,9
Вилоят бўйича маиший хизмат кўрсатиш, млн.сўм	12389,7	13705,2	19922,6	25418,9	28686,5	35248,7	38135,9	48344,8
Аҳоли жон бошига тўғри келган маиший хизмат кўрсатиш, сўм	5302,9	5762,9	8233,2	10323,7	11446,2	13630,1	14580,7	18099,9
Шу жумладан								
Қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш, млн.сўм	7186,0	7949,0	11555,1	14743,0	16638,2	12486,9	14491,6	18376,0
Шаҳар аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш, млн.сўм	5203,7	5756,2	8367,5	10675,9	12048,3	22761,8	23644,3	29968,8
Қишлоқ аҳолисининг жон бошига маиший хизмат кўрсатиш, сўм	4090,6	4439,1	6334,3	7945,5	8792,1	8579,1	9788,3	15951,4
Шаҳар аҳолисининг жон бошига маиший хизмат кўрсатиш, сўм	8976,5	9797,8	14048,8	17596,7	19629,1	20502,4	20831,9	20269,3

Қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш даражаси 2003 йилда 7186,0 млн. сўмни ташкил қилган, бу аҳоли жон бошига 4090,6 сўмга тўғри келади, 2010 йилда 18376 млн.сўм, жон бошига ўртача 15951,4 сўмга тўғри

келаяпти. Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, йилдан-йилга ўсиш мавжуд бўлса-да, лекин қишлоқ аҳолиси билан шаҳар аҳолиси ўртасида катта тафовут мавжуд.

Шунингдек, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш даражасида ҳам шундай вазиятни кузатиши мумкин. Вилоят аҳолисига пуллик хизмат кўрсатиш даражаси 2003 йилда 40051,3 млн. сўмни ташкил қилган, бу аҳоли жон бошига 17142,3 сўмга тўғри келади, 2010 йилда 377113,1 млн.сўм, жон бошига ўртача 142656,7 сўмга тўғри келаяпти. Шу жумладан шаҳар аҳолисига пуллик хизмат кўрсатиш даражаси 2003 йилда 16821,5 млн. сўмни ташкил қилган, бу аҳоли жон бошига 29017,7 сўмга тўғри келади, 2010 йилда 158387,5 млн.сўм, жон бошига ўртача 138100,5 сўмга тўғри келаяпти.

Қишлоқ аҳолисига пуллик хизмат кўрсатиш даражаси 2003 йилда 23229,7 млн. сўмни ташкил қилган, бу аҳоли жон бошига 13223,5 сўмга тўғри келади, 2010 йилда 218725,6 млн.сўм, жон бошига ўртача 146148,3 сўмга тўғри келаяпти.

2.6-жадвал

**Қашқадарё вилоятида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш
даражасининг жон бошига ўсиш кўрсаткичи**

Кўрсаткичлар	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Вилоят бўйича аҳоли сони, минг киши	2336,4	2378,2	2419,8	2462,2	2506,2	2615,5	2565,9	2643,5
Қишлоқ аҳолиси, минг киши	1756,7	1790,7	1824,2	1855,5	1892,4	1455,5	1480,5	1496,6
Шаҳар аҳолиси, минг киши	579,7	587,5	595,6	606,7	613,8	1110,2	1135	1146,9
Вилоят бўйича пуллик хизмат кўрсатиш, млн.сўм	40051,3	46915,5	69287,1	100103	152604,5	223317,8	286185,1	377113,1
Аҳоли жон бошига тўғри келган пуллик хизмат кўрсатиш, сўм	17142,3	19727,3	28633,4	40656,0	60890,8	85382,5	111534,0	142656,7
Шу жумладан								
Қишлоқ аҳолисига пуллик хизмат кўрсатиш, млн.сўм	23229,7	27210,9	40186,5	58059,9	88510,6	129524,3	165987,4	218725,6
Шаҳар аҳолисига пуллик хизмат кўрсатиш, млн.сўм	16821,5	19704,5	29100,6	42043,0	64093,9	93793,5	120197,7	158387,5
Қишлоқ аҳолисининг жон бошига пуллик хизмат кўрсатиш, сўм	13223,5	15195,7	22029,7	31291,0	46771,6	88989,6	112115,7	146148,3
Шаҳар аҳолисининг жон бошига пуллик хизмат кўрсатиш, сўм	29017,7	33539,6	48859,3	69299,0	104421,5	84483,4	105901,1	138100,5

3. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларининг вариация кўрсаткичлари

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини таъминлаш бир-бири билан бевосита боғлиқ ва алоқадор, ўзига хос хусусиятларга эга фаолият асосида амалга оширилади. Қишлоқ аҳолиси ҳаётининг фаровонлиги қишлоқда ишлаб чиқариш жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқаришга боғлиқ. Ишлаб чиқариш жараёни эса, ўз навбатида, аниқ миқдорий бирликларга эга бўлган таъминловчи ва хизмат кўрсатувчи соҳалар фаолияти билан узвий боғлиқ. Уларнинг фаолиятлари тўғри бошқарилса, оптимал режалаштирилса, аҳолининг турмуш даражаси фаровон бўлади. Бунга республика миқёсидаги ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини тўғри баҳолаш, қайси вилоятда, қайси туманда қандай турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, барча турдаги хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлиги, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси, алоқа ва телекоммуникациянинг самарали ташкил қилиниши, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда хорижий ва ички инвестициялардан унумли фойдаланиш асосида эришилади²⁰.

Биз олиб бораётган тадқиқотда устувор вазифалардан келиб чиқиб, Қашқадарё вилояти аҳолисининг қишлоқ жойлардаги ижтимоий ҳолати статистик таҳлил қилинди.

Республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги каби Қашқадарё вилоятида ҳам аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми ошди ва сифати бирмунча яхшиланди. Буни 2.6-жадвал маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

Ижтимоий соҳанинг ўзига хос жиҳатлари режалаштиришнинг баъзи услубий хусусиятларини белгилаб беради. Ижтимоий соҳа инсон омилига боғлиқ бўлгани учун режалаштириш аниқ ифодаланган ижтимоий йўналиш касб этади. Ижтимоий тармоқларда улар фаолиятларининг ижтимоий

²⁰ Махмудов Н. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий модели . // Иқтисодиёт ва таълим. -2010. -№1. –Б. 22.

кўрсаткичлари ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг сифат кўрсаткичлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш ва режалаштириш моддий ишлаб чиқаришга нисбатан кўпроқ ҳудудий омиллар ва демографик жараёнларга боғлиқ. Ижтимоий соҳани ривожлантиришни режалаштиришда ҳудуд иқтисодиётининг ривожланиш даражасини, аҳоли пунктлари ҳудудларининг катта-кичиклигини, аҳоли сони ва таркиби, унинг қай тариқа жойлашганини аниқ ҳисобга олиш зарур.

2.7-жадвал

Қашқадарё вилояти аҳолисига пуллик ва маиший хизмат кўрсатиш динамикаси ²¹

Йиллар	Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш (млн.сўм)	Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг ўсиш суръати, %		Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, млн.сўм	Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ўсиш Суръати, %	
		базисли	занжирсимон		базисли	занжирсимон
2005.	40051,3	100,0	100,0	12389,7	100,0	100,0
2006.	46915,5	117,1	117,1	13705,2	110,6	110,6
2007.	69287,1	158,0	147,6	19922,6	160,7	145,3
2008.	100103,4	249,9	144,8	25418,9	205,1	127,5
2009.	152604,5	381,0	152,4	28686,5	231,5	112,8
2010.	223317,8	557,6	146,3	35248,7	284,5	122,9
2011.	286185,1	714,5	128,2	38845,7	313,5	110,2
2012.	341419,0	852,5	119,3	48840,8	394,2	125,7

Ижтимоий соҳа тармоқлари кишиларнинг шахсий талабларини қондиргани учун хизматларнинг бир турини иккинчиси билан алмаштириш имконияти чекланган. Одатда, хизматлар бири иккинчисини тўлдириб боради ва тармоқларнинг ривожланиши бир-бирига боғлиқ бўлади.

2.11- жадвал маълумоти шуни кўрсатяптики, Қашқадарё вилоятида 2007 йилда 2003 йилга нисбатан аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 112553,2 млн.сўмга ошган. Бу 2003 йилга нисбатан 2007 йилда 281 фоиз, 2008 йилда 457 фоиз ошган. Демак, бу аҳолига хизмат кўрсатиш даражасининг

²¹ Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган .

ошганлигидан далолат беради. Шу жумладан, маиший хизмат кўрсатиш 2007 йилда 131,5 фоизга, 2008 йилда 184,5 фоизга ошган²².

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2009 йилда олдинги йилдагига нисбатан вилоятда пуллик хизматлар ҳажми 46,3 фоизга, шундан маиший хизматлар 22,9 фоизга ўсган.

Шу муносабат билан бугунги кунда мураккаб ва динамик ривожланишда бўлган хизматлар кўрсатиш секторини, айниқса, қишлоқ жойларда хизматлари соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш омиллари ҳамда маркетинг жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда вилоятда хизмат кўрсатиш тараққий этиши ва хизматлар тури дифференциациялашуви амалга ошса-да, аммо унинг ҳажми ва сифати аҳолининг ўсиб бораётган талабидан орқада қолмоқда. Хизматлар баҳоси ва сифати ўртасида мутаносиблик йўқ. Бунинг сабаблари кўп. Шулардан энг муҳимлари қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдаги бошқарув моделларининг замон талаблари даражасидан ортда қолиши, жумладан, аҳолига пуллик ва маиший хизматлар кўрсатиш сифати ва самарадорлигини моделлаштиришдаги мавжуд муаммо ва камчиликлардир. Булар соҳада вужудга келаётган кичик корхоналарнинг банкрот бўлиши ва самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Афсуски, бу соҳа илмий тадқиқотчилар назаридан четда қолган.

Илмий кузатишларимиз кўрсатишича, Қашқадарё вилоятида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида катта ўзгаришлар бўлмоқда. Аҳолига кўрсатиладиган хизматларни амалга оширувчи корхоналар бошқарувини такомиллаштириш муаммолари кам тадқиқ этилганлиги ва соҳадаги янги тамойилларни ўрганиш ҳамда сифат ва самарадорлик кўрсаткичларини илмий асосда бошқарувга оид модель ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш зарурлиги мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

²² Мухитдинов Х.С., Худуд аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ривожланишини моделлаштириш. – Т.: Фан, 2009. - 58 б.

Аҳолига хизмат кўрсатиш- бозор иқтисодиёти шароитида шаклланиб ва тез тараққий этиб боровчи соҳа. Бугунги кунда аҳолига хизматлар кўрсатиш тез ва барқарор тараққий этаётган экан, демак, бу инвестициялар учун жозибадор ва тадбиркорлар учун қулай хизматлар бозорининг сегментидир.

Аҳолининг турмуш шароити, ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари бир-биридан тафовутда бўлган ҳолатларини умумлаштириб кўрсатилса-да, лекин ўртачага нисбатан, ўзига нисбатан қай даражада тафовутда эканлигини ифодалаб берилмайди.

Статистик маълумотларда кўрсатиладиган ўртача кўрсаткичларнинг реал қийматини, бевосита алоҳида миқдорлар ўртасидаги тафовутларни аниқлаш орқали билишимиз мумкин. Чунки алоҳида миқдорлар ўртасидаги тафовут, яъни ўзгарувчанлик қанча кичик бўлса, улар асосида ҳисобланган ўртача кўрсаткичлар шунчалик даражада реал бўлади.

Демак, биз қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини, турмуш шароитини таҳлил қилишда, уларнинг реал ҳолатини аниқлашда фақатгина умумлаштирувчи ўртача миқдори ва статистик кўрсаткичлар билан чекланиб қолмасдан, балки шу ўртачадан алоҳида туманлардаги ижтимоий кўрсаткичлар миқдорларини қанчалик тафовутда эканлигини таҳлил қиламиз.

Маълумки, ҳозирги даврда иқтисодий ислохотларни олиб боришда қишлоқларни шаҳарлаштириш, яъни қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишга катта эътибор қаратилган.

Вилоятимиз аҳолисининг 65 фоизини қишлоқ аҳолиси ташкил қилади, ҳар бир туман марказида шаҳарчалар ташкил қилинган. Мана шу шаҳарчаларда туман марказидан узоқроқ қишлоқларга нисбатан турмуш шароитлари ўртасидаги тафовут мавжудлигини статистик кўрсаткичлар орқали билишимиз мумкин. Энди шу шаҳарчаларнинг ўзида тафовут

шаҳарчалараро ўртачадан алоҳида тафовутда эканлигини 2.12-жадвалдан кўриш мумкин.

2.8-жадвал

Туманлар марказидаги шаҳарчалар аҳолисига коммунал ва маиший

хизмат кўрсатишнинг вариацион кўрсаткичлари²³

Шаҳар ва туманлар	Шаҳар аҳолиси сони, минг киши	Жами шаҳар аҳолисига коммунал хизмат кўрсатиш, млн. сўм	Жами шаҳар аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш, млн. сўм	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган коммунал хизматлар, минг сўм	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган маиший хизматлар, минг сўм	Вариация коэффи-циенти коммунал хизмат	Вариация коэффи-циенти маиший хизмат
Ўзур	40,0	3596,7	776,7	89,9	19,4	136,3	111,9
Дехқонобод	22,6	1037,2	442,0	45,9	19,6	20,6	113,5
Қарши	71,2	3348,0	408,4	47,0	5,7	23,6	37,4
Косон	117,4	3389,7	896,6	28,9	7,6	24,1	16,6
Камаш	51,7	2303,5	543,4	44,6	10,5	17,1	14,7
Китоб	83,5	1744,2	604,8	20,9	7,2	45,1	20,9
Касби	59,8	1432,5	180,8	24,0	3,0	37,0	67,0
Муборак	56,0	1558,4	237,2	27,8	4,2	26,9	53,8
Миришкор	37,0	1004,6	242,9	27,2	6,6	28,6	28,4
Нишон	68,3	3078,6	718,0	45,1	10,5	18,5	14,7
Чироқчи	77,1	1905,8	958,8	24,7	12,4	35,0	35,7
Шаҳрисабз	162,7	7112,5	426,4	43,7	2,6	14,9	71,4
Яккабўғ	68,7	1721,6	660,8	25,1	9,6	34,1	5,0
Жами				494,7	119,1		
Ўртача				38,1	9,2		

2.12-жадвалдан кўриниб турибдики, вилоят туманлари марказидаги шаҳарчалар аҳолисига кўрсатиладиган коммунал ва маиший хизматлар 2010 йилда шаҳарчалар аҳолисининг жон бошига нисбатан кўрсатилган коммунал хизмат ўртасидаги квадратик ўртача тафовут коэффициенти 46,7 фоиз, мутлақ ўртача тафовут коэффициенти 33,5 фоиз ҳамда вариацион кенглик эса 69,029 минг сўмни ташкил қилмоқда, бу кўрсаткични аниқлагинимизда энг юқори коммунал хизмат кўрсатиш жон бошига нисбатан Ўзур туман маркази шаҳарчасида кузатилди.

²³ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

2010 йил давомида коммунал хизмат кўрсатиш 3596,7 млн. сўмни ташкил қилган шаҳарча аҳолиси 40 минг кишидан иборат. Кўриниб турибдики, жон бошига тўғри келадиган коммунал хизмат 89,92 минг сўмни ташкил қилмоқда, туман шаҳарчаси аҳолиси сони кам бўлса-да, жон бошига тўғри келадиган бу кўрсаткични бошқа туман шаҳарчаларига нисбатан юқорилиги сабабларидан бири электр энергия ва газ таъминоти анча юқоридир. Жон бошига энг кам коммунал хизмат кўрсатиш вилоятнинг энг гуллаб-яшнаган маконларидан бири Китоб туманидир, Бунда 2010 йилда умумий коммунал хизмат кўрсатиш 1744,2 млн. сўмни ташкил қилган, туман шаҳарчаси аҳолиси 83,5 минг кишида иборат, бунда жон бошига тўғри келадиган коммунал хизмат 20,9 минг сўмни ташкил қилмоқда, Бунда аҳоли зич жойлашганлиги сабабли коммунал хизмат кўрсатишни жон бошига ҳисоблаганда жуда камлиги кўринди. Биз вариациядан фойдаланганлигимизнинг сабаби шундаки, туманлардаги аҳолиларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар ўртасидаги тафовут қай даражада эканлиги, ҳар бир шаҳарчада жон бошига кўрсатилган коммунал хизматларни ўртачага нисбатан қай даражада эканлиги, бу тафовутни камайтириш йўллари аниқлашда фойдаланишдан иборатдир. Туман шаҳарчалар аҳолисининг жон бошига кўрсатиладиган маиший хизматни таҳлил қилганимиз шуни кўрсатдики, квадратик ўртача тафовут вариация коэффиценти 57,2 фоизни, мутлақ ўртача тафовут коэффиценти 45,5 фоизни ҳамда вариацион кенглик 16,94 минг сўмни ташкил қилмоқда, энг кам жон бошига тўғри келадиган маиший хизмат Шаҳрисабз туман шаҳарчасидир. Туман шаҳарчаси аҳолиси 162,7 минг киши, умумий маиший хизмат кўрсатиш 426,4 млн. сўмни ташкил қилади. Бундан кўриниб турибдики, жон бошига кўрсатиладиган маиший хизмат 2,6 минг сўмни ташкил қилмоқда. Жон бошига маиший хизмат кўрсатиш энг юқори ҳисобланган туман шаҳарчаси Деҳқонобод туман шаҳарчасидир. Бунда 22,6 минг аҳоли яшайди, умумий маиший хизмат кўрсатиш 442 млн.сўмни, жон бошига тўғри келадиган маиший хизмат 19,56 минг сўмни ташкил

қилмоқда. Шу билан бир қаторда, ўртачага нисбатан ҳар бир туман шаҳарчаси аҳоли жон бошига тўғри келадиган, кўрсатиладиган маиший хизматлар фарқи аниқлаб чиқилди.

2.13-жадвалда вилоят туман қишлоқ аҳолисига кўрсатиладиган коммунал ва маиший хизматларни таҳлил натижалари кўрсатилган. Бунда 2010 йилда қишлоқ аҳолисининг жон бошига кўрсатилган коммунал хизмат ўртасидаги квадратик ўртача тафовут вариация коэффиценти 82,7 фоизни, мутлақ ўртача тафовут коэффиценти 61,95 фоизни ҳамда вариацион кенглик 201,5 минг сўмни ташкил қилмоқда, энг юқори коммунал хизмат кўрсатиш жон бошига Нишон туман қишлоқларига тўғри келгани аниқланди, яъни 2010 йил давомида коммунал хизмат кўрсатиш 10223,8 млн. сўмни ташкил қилган қишлоқ аҳолиси 45,3 минг кишидан иборат бўлган. Бундан кўриниб турибдики, жон бошига тўғри келадиган коммунал хизмат 225,691 минг сўмни ташкил қилмоқда, туман шаҳарчаси аҳолиси сони кам бўлган каби қишлоқ аҳолиси ҳам бошқа туман қишлоқ аҳолисига нисбатан анча кам бўлса-да, жон бошига тўғри келадиган бу кўрсаткични бошқа туман қишлоқларига нисбатан кўп юқорилиги сабабларидан бири электр энергия таъминоти ва газ таъминоти анча юқоридир. Жон бошига энг кам коммунал хизмат кўрсатиш вилоятимизнинг ер майдони бўйича биринчи ўринда турадиган Деҳқонобод туманига тўғри келмоқда, Бунда 2010 йилда умумий коммунал хизмат кўрсатиш 2355,5 млн. сўмни ташкил қилган туман қишлоқ аҳолиси 97,4 минг кишини ташкил қилган, бунда жон бошига тўғри келадиган коммунал хизмат 24,18 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Вариациядан фойдаланишдан мақсад шундаки, туманлардаги аҳолиларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар ўртасидаги тафовут қай даражада эканлиги, ҳар бир туман қишлоқлар аҳолиси жон бошига кўрсатилган коммунал хизматларни ўртачага нисбатан қай даражада эканлиги ва бу тафовутни камайтириш йўллари аниқлашда фойдаланишдан иборат.

2.9-жадвал

Туманлардаги қишлоқ аҳолисига коммунал ва маиший хизмат кўрсатишнинг вариацион кўрсаткичлари (2012 йил, млн.сўмда)²⁴

Туманлар	Қишлоқ аҳолиси минг киши	Қишлоқ аҳолисига коммунал хизмат кўрсатиш, млн сўмда	Қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш, млн сўмда	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган коммунал хизматлар, минг сўмда	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган маиший хизматлар, минг сўмда	Вариация коэф-фициенти коммунал	Вариация коэф-фициенти маиший
Ўзғор	124,6	12210,3	1632,2	98,0	13,1	26,5	12,1
Дехқонобод	97,4	2355,5	544,6	24,2	5,6	68,8	62,5
Қарши	127	7422,3	1638,3	58,4	12,9	24,6	13,5
Косон	113,2	9874,3	1995	87,2	17,6	12,6	18,2
Қамаши	165	5465,1	906,8	33,1	5,5	57,3	63,1
Қитоб	134,9	4047	1815,8	30,0	13,5	61,3	9,7
Қасби	94,7	5300,4	918,6	56,0	9,7	27,8	34,9
Муборак	14,8	3092,4	727,1	208,9	49,1	169,6	229,6
Қиришқор	59,3	3078,3	743,3	51,9	12,5	33,0	15,9
Қишон	45,3	10223,8	727,8	225,7	16,1	191,3	7,8
Қироқчи	246,1	6012,7	2905,7	24,4	11,8	68,5	20,8
Шаҳрисабз	143,8	11445,7	2539	79,6	17,7	2,7	18,4
Яккабоғ	146,7	4375,9	1281	29,8	8,7	61,5	41,4

Туманлар қишлоқ аҳолисининг жон бошига кўрсатиладиган маиший хизматни таҳлил қилганимиз шуни кўрсатдики, квадратик ўртача тафовут вариация коэффиценти 70,9 фоизни, мутлақ ўртача тафовут коэффиценти 42,2 фоизни ҳамда вариацион кенглик 43,63 минг сўмни ташкил қилмоқда. Энг кам жон бошига тўғри келадиган маиший хизмат Қамаши туман қишлоқлар аҳолиси 165 минг киши, умумий маиший хизмат кўрсатиш 906,8 млн. сўмни ташкил қилди.

²⁴ Муаллиф ишланмаси

**Туманлардаги қишлоқ аҳолисига алоқа ва транспорт хизмат
кўрсатишнинг вариацион кўрсаткичлари (2012 йил)²⁵**

Туманлар	Қишлоқ аҳолиси сони (минг киши)	Алоқа хизмати (млн. сўмда)	Транспорт хизмати (млн. сўмда)	Жон бошига алоқа хизмат (минг сўмда)	Жон бошига транспорт хизмат (минг сўмда)	Ўртачадан фарқи алоқа	Ўртачадан фарқи транспорт	Вариация коэффициенти алоқа	Вариация коэффициенти транспорт
Ғузор	133,5	173,9	14464,8	1,3	108,4	127,5	-3544,2	42,3	32,5
Дехқонобод	99,0	179,0	5333,2	1,8	53,9	122,4	5587,4	40,6	51,2
Қамаши	173,2	287,9	11139,2	1,7	64,3	13,5	-218,6	4,5	2,0
Қарши	130,8	316,9	14086,3	2,4	107,7	-15,5	-3165,7	5,2	29,0
носоК	116,4	298,8	14223,4	2,6	122,2	2,6	-3302,8	0,8	30,2
ботиК	138,8	413,8	9813,6	3,0	70,7	-112,4	1107,0	37,3	10,1
рокшириМ	64,8	149,1	6758,7	2,3	104,3	152,3	4161,9	50,5	38,1
каробуМ	15,7	73,5	13007,8	4,7	828,5	227,9	-2087,2	75,6	19,1
ношиН	49,1	121,1	11184,3	2,5	227,8	180,3	-263,7	59,8	2,4
ибсаК	102,4	264,6	9277,1	2,6	90,6	36,8	1643,5	12,2	15,0
Чирокчи	252,2	882,5	10761,4	3,5	42,7	-581,1	159,2	192,8	1,5
Шахрисабз	147,8	411,9	13673,6	2,8	92,5	-110,5	-2753,0	36,7	25,2
обаккЯғ	150,2	344,6	8244,2	2,3	54,9	-43,2	2676,4	14,4	24,5
жами	1573,9	3917,6	141967,6	33,4	1968,4	0,0	-0,1		

Бундан кўриниб турибдики, жон бошига кўрсатиладиган маиший хизмат 5,5 минг сўмни ташкил қилмоқда. Жон бошига маиший хизмат кўрсатиш энг юқори ҳисобланган ҳудуд Муборак туман қишлоқларидир. Бунда 14,8 минг аҳоли яшайди, умумий маиший хизмат кўрсатиш 727,1 млн. сўмни, жон бошига тўғри келадиган маиший хизмат 49,13 минг сўмни ташкил қилмоқда. Шу билан бир қаторда ўртачага нисбатан ҳар бир туман қишлоқ аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсатиладиган маиший хизматлар фарқи аниқлаб чиқилган.

2.14-жадвалда вилоят туман қишлоқ аҳолисига кўрсатиладиган алоқа ва транспорт хизматларни таҳлил натижалари кўрсатилган. Бунда 2011 йилда қишлоқ аҳолисининг жон бошига кўрсатилган алоқа хизмат ўртасидаги квадратик ўртача тафовут вариация коэффициенти 65,4 фоизни, мутлақ ўртача тафовут коэффициенти 44,1 фоизни ҳамда вариацион кенглик 3,4

²⁵ Муаллиф ишланмаси.

минг сўмни ташкил қилмоқда, энг юқори алоқа хизмат кўрсатиш жон бошига Муборак туман қишлоқларига тўғри келгани аниқланди, яъни 2011 йил давомида алоқа хизмат кўрсатиш 73,5 млн. сўмни ташкил қилган қишлоқ аҳолиси 15,7 минг кишидан иборат бўлган. Бундан кўриниб турибдики, жон бошига тўғри келадиган коммунал хизмат 4,7 минг сўмни ташкил қилмоқда, туман шаҳарчаси аҳолиси сони кам бўлган каби қишлоқ аҳолиси ҳам бошқа туман қишлоқ аҳолисига нисбатан анча кам бўлса-да, жон бошига тўғри келадиган бу кўрсаткични бошқа туман қишлоқларига нисбатан кўп. Жон бошига энг кам алоқа хизмат кўрсатиш вилоятимизнинг Ғузор туманига тўғри келмоқда, Бунда 2011 йилда умумий алоқа хизмат кўрсатиш 173,9 млн. сўмни ташкил қилган туман қишлоқ аҳолиси 133,5 минг кишини ташкил қилган, бунда жон бошига тўғри келадиган алоқа хизмат 1,3 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Туманлар қишлоқ аҳолисининг жон бошига кўрсатиладиган транспорт хизматни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, квадратик ўртача тафовут вариация коэффиценти 26,0 фоизни, мутлақ ўртача тафовут коэффиценти 21,6 фоизни ҳамда вариацион кенглик 785,9 минг сўмни ташкил қилмоқда. Энг кам жон бошига тўғри келадиган транспорт хизмат Чироқчи туман қишлоқлар аҳолиси 252,2 минг киши, умумий транспорт хизмат кўрсатиш 10761,4 млн. сўмни ташкил қилди. Бундан кўриниб турибдики, жон бошига кўрсатиладиган хизмат 42,7 минг сўмни ташкил қилмоқда. Жон бошига транспорт хизмат кўрсатиш энг юқори ҳисобланган ҳудуд Муборак туман қишлоқларидир. Бунда 15,7 минг аҳоли яшайди, умумий транспорт хизмат кўрсатиш 13007,8 млн. сўмни, жон бошига тўғри келадиган транспорт хизмат 828,5 минг сўмни ташкил қилмоқда. Шу билан бир қаторда ўртачага нисбатан ҳар бир туман қишлоқ аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсатиладиган маиший хизматлар фарқи аниқлаб чиқилган.

2.11 –жадвал**Туманлар аҳолисига умумий хизмат кўрсатишнинг
вариацион кўрсаткичлари**

Шаҳар ва туманлар	Аҳоли сони, минг киши	Жами хизматлар, млн. сўм	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган жами хизматлар, минг сўм
Ўзгор	164,6	61000,6	370,6
Дехқонобод	120,0	24164,2	201,4
Қарши	198,2	67619,4	341,2
Косон	230,6	135177,9	586,2
Камаши	216,7	49029,7	226,3
Китоб	218,4	68641,6	314,3
Касби	154,5	33770,0	218,6
Муборак	70,8	131562,7	1858,2
Миришкор	96,3	29529,5	306,6
Нишон	113,6	169529,0	1492,3
Чироқчи	323,2	54644,0	169,1
Шахрисабз	306,5	97793,8	319,1
Яккабоғ	215,4	41350,0	192,0
Жами:			6595,8

2.11-жадвалда вилоят туман аҳолисига хизмат кўрсатишлар ўртасидаги тафовутларнинг вариацион коэффиценти аниқланган, бунда вариация коэффиценти 101,3 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга, ҳар бир туманнинг ўртачага нисбатан вариация коэффицентини аниқлаб чиқилган. Туманлар ўртасидаги вариацион кенглик 1689,2 минг сўмни ташкил қилди, Бунда энг юқори хизмат кўрсатиш Муборак тумани бўлиб, жами хизмат кўрсатиш 131562,7 млн. сўмни ташкил этади, жами аҳоли сони 70,8 минг кишини ташкил этади. Жон бошига тўғри келадиган жами хизмат кўрсатиш 1858,23 минг сўмни ташкил этади. Жон бошига ҳисоблаганда энг кам хизмат кўрсатилган туман Чироқчи тумани бўлиб, бунда 2010 йилда жами хизмат кўрсатиш 54644,0 млн. сўмни, жами аҳоли сони 323,2 минг кишини, жон боши жами хизмат кўрсатиш 169,1 минг сўмни ташкил қилади.

II боб бўйича хулоса

1. Аҳолига электр энергияси, газ ва сув таъминотидаги беқарорликдан зарар кўриб келмоқда. Бу соҳада ҳокимликлар, савдо-саноат палаталари ва ишлаб чиқарувчилар уюшмалари электр энергияси, сув ва газнинг узлуксиз таъминоти йўлга қўйилган, омборлар билан таъминланган ва қишлоқ хўжалик тармоқлари субъектларига бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш учун мўлжалланган саноат ҳудудларини ташкил этишда ёрдам бериш ҳамда махсус ўқув дастурлари жорий қилиш ёки саноат хизматларини кенгайтириш орқали фирмаларга технологиялар етказиб берилишини осонлаштиришлари мумкин.

2. Тадқиқотда асосий эътибор, инфратузилмани ривожлантириш, ортиқча меҳнат ресурсларини қишлоқ хўжалигидан ўсиб бораётган секторларга (ишлаб чиқариш, туризм, замонавий хизматлар) ўтказиш жараёнини осонлаштириш чора-тадбирларига қаратиш зарур.

3. Хизматлар кўрсатиш соҳаларининг кенгайиши янги секторларда фаолият юритаётган кичик, ўрта ва йирик корхоналарда технологик модернизация жараёнини жадаллаштириш борасида янгича сиёсат ва дастурлар қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Қашқадарё вилоятининг иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасида белгиланган ижтимоий мақсадларга эришиш йўлидаги номукамалликларни бартараф этиш ва аҳоли турмуш шароитини ривожлантиришнинг бошқарув режаларини эконометрик моделлаштириш зарур.

5. 2012–2020 йиллар давомида (кейинги даврда ҳам) Қашқадарё вилояти ҳудудий ривожлантириш стратегиясининг таркибий қисми сифатида қабул қилинадиган сиёсат ва лойиҳалар, технологик модернизация ва хизмат кўрсатиш соҳаларини режалаштириш, инфраструктурани жадал ривожлантириш, аҳоли фаровонлигига йўналтириш борасидаги узоқ муддатли (2012-2020 йиллар) прогнозларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

III боб. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини бошқариш усуларини такомиллаштириш

1. Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш соҳалари кўрсаткичларини истиқболда ривожланиши

Ижтимоий соҳа инфратузилма тармоқлари, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳалари мураккаб жараён ҳисобланади. Мазкур соҳа тармоқларининг тегишли кўрсаткичларини прогнозлашга доир иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилган ҳолда олдиндан чамалаб кўришни тақозо этади.

Биз 3.1-жадвалдан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишига таъсир қилувчи 6 та омилни кўриб турибмиз

3.1-жадвал

Қашқадарё вилояти аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиш кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси (млн.сўм)²⁶

Йиллар	Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, Y_{Mx}	Ижтимоий истеъмол, X_1	Шахсий истеъмол, X_2	Аҳоли жон бошига ўртача ойлик пул даромадлари, минг сўмда, X_3	Капитал маблағлар, X_4	Пулли хизматлар ҳажми, X_5	Асосий жамғармаларни ишга тушириш, X_6
2001	1802,2	18303,2	63114,5	49,4	84680,7	6688,1	55042,5
2002	4427,1	29331,2	98426,9	72,7	117931,0	12727,3	79013,8
2003	6502,2	47298,8	152576,6	152,1	206662,1	17776,5	123997,3
2004	8929,5	63433,3	211444,4	176,1	209285,6	27041,2	142314,2
2005	10952,4	107346,7	298185,3	204,0	297738,3	40051,3	205439,4
2006	13705,2	105306,5	325020,1	229,8	339255,6	46915,5	223908,7
2007	19922,6	130695,0	408421,9	236,8	437330,9	69287,1	279891,8
2008	25418,9	166063,6	535689,2	245,3	697893,7	100103,4	488525,6
2009	28686,5	217803,3	660009,9	258,8	830042,0	152604,5	589329,8
2010	35248,7	267574,1	863142,4	405,0	1630735,3	223317,8	1108900,0
2011	38135,9	349268,8	1145143,5	528,2	2192988,2	286185,1	1513161,9
2012	48344,8	469997,2	1468741,2	734,3	1597969,9	377113,1	1134558,6

Ижтимоий соҳаларни эконометрик моделлар ёрдамида таҳлил қилиш ва прогнозлашдан мақсад ушбу жараёнларга таъсир этувчи ижобий ва салбий омилларни аниқлаш, шу асосда уларни амалиёт талабларига мувофиқ такомиллаштиришдан иборат. Бунда ижтимоий соҳа тўғрисида

²⁶ Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

тўпланган билимлар ушбу жараён ёки объектни қўйилган мақсадларни кўзлаб бошқариш имкониятини беради.

Бунинг учун ҳар қандай ижтимоий ҳодиса, жараён ёки объект мураккаб тизим деб қаралиб, уни ифодаловчи қонуниятларнинг миқдорий ва сифат томонлари ўрганилади. Мураккаб иқтисодий жараён сифатида қараладиган ижтимоий соҳага ҳам бундай ёндашиш унинг фаолиятини таҳлил қилишда ва эконометрик моделлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

3.2-жадвал

Қашқадарё вилояти аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш прогнози(млн.сўмда)

Йиллар	Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, Y_{Mx}	Ижтимоий истеъмол, X_1	Шахсий истеъмол, X_2	Аҳоли жон бошига ўртача ойлик пул даромадлари, минг сўмда, X_3	Капитал маблағлар, X_4	Пулли хизматлар ҳажми, X_5	Асосий жамғармаларни ишга тушириш, X_6
2011	50087,4	518591,3	1658288,0	757,5	2443805,0	447036,1	1712865,0
2012	57278,3	609605,2	1954026,0	883,0	2891803,0	539490,4	2031340,0
2013	64974,4	708444,5	2275582,0	1019,4	3378979,0	640754,5	2377921,0
2014	73175,8	815109,2	2622956,0	1166,7	3905333,0	750828,4	2752608,0
2015	81882,5	929599,3	2996148,0	1325,0	4470865,0	869712,1	3155401,0
2016	91094,5	1051914,8	3395158,0	1494,3	5075575,0	997405,6	3586300,0
2017	100811,7	1182055,7	3819986,0	1674,5	5719463,0	1133909,0	4045305,0
2018	111034,2	1320022,0	4270632,0	1865,6	6402529,0	1279222,0	4532416,0
2019	121762,0	1465813,7	4747096,0	2067,8	7124773,0	1433345,0	5047633,0
2020	132995,0	1619430,8	5249378,0	2280,8	7886195,0	1596278,0	5590956,0

Хизматлар турларига тегишли моделларнинг қулай ҳисоб-китоб тенгламаларидан келиб чиқиб, 2011-2020 йиллар учун мўлжалланган прогнозлар ҳисоб қилиб чиқилди (3.2-жадвал).

3.2-жадвалда кўриб турганимиздек, маиший хизмат ривожланишининг кўламини аниқлашда дастлабки асосий маълумотлар қуйидагилардан иборат бўлди: ижтимоий истеъмол, аҳолининг шахсий даромадлари, пулли хизматлар ҳажми ва ишга тушириладиган асосий жамғармалар ҳажми. Айнан мана шу кўрсаткичлар 2020 йилгача бўлган даврда маиший хизмат кўрсатиш ҳажмининг қанчалик ўсиб боришини белгилаб беради. Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 2012 йилга келиб, 2010

йилдагига қараганда 1,18 баробар, 2020 йилга келганда эса, деярли 2,8 баробар ошиши тахмин қилинган.

3.3-жадвал

Вилоят аҳолисига хизмат кўрсатиш даражасининг йиллар бўйича олинган истиқболдаги прогнози (млн.сўмда).²⁷

Йиллар	Хизматлар тури				
	Аҳолига кўрсатиладиган маиший хизматлар ҳажми	Тиббий хизматлар ҳажми	Турар-жой коммунал хўжалик хизматлар ҳажми	Йўловчилар ташийдиган транспорт хизмати ҳажми	Алоқа хизмати ҳажми
2011	50087,4	78181,4	159007,1	339950,2	81345,9
2012	57278,3	94197,0	190756,6	411268,5	98004,4
2013	64974,4	111716,8	225422,6	489123,8	116215,4
2014	73175,8	130740,9	263005,3	573516,1	135978,9
2015	81882,5	151269,2	303504,5	664445,4	157294,9
2016	91094,5	173301,1	346920,2	761911,8	180163,3
2017	100811,7	196838,6	393252,5	865915,2	204584,3
2018	111034,2	221879,7	442501,4	976455,5	230557,6
2019	121762,0	248425,0	494666,9	1093533,0	258083,5
2020	132995,0	276474,6	549748,9	1217147,0	287161,9

Маълумки, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари сони ва сифати йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бу корхоналарнинг сони, кўлами ва тури биринчи галда маҳаллий шароитга, аҳоли сонига, таркиби, зичлиги ва харид қобилиятига миграция жараёнларининг табиатига, қишлоқлар қурилишининг тузилиши ва ундаги транспорт тармоғига боғлиқ бўлади.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш келажакда яхшиланиб боради, 2012 йилда келиб, 2010 йилга нисбатан 1,39 баробар, 2020 йилга келиб эса, 4,07 баробар ўсади. Аҳолига амбулатория-поликлиника орқали тиббий ёрдам бериш ишлари, дорихоналар хизмати яхшиланади. Касалхонада ўринлар билан таъминланганлик даражаси ортади, соғлиқни сақлаш муассасалари зарур асбоб ускуна, жиҳозлар билан янада яхшироқ таъминланадиган бўлади.

Турар-жой коммунал хўжалиги соҳасида кўрсатиладиган хизматлар яхшиланиб, турар-жой қурилиш ҳажми кенгаяди, турар-жой биноларини

²⁷ Муаллиф ишланмаси.

кайта таъмирлаш ва аҳолининг турар-жой шароитлари яхшиланишига олиб келади. Турар-жой, коммунал хўжалик соҳасида кўрсатиладиган хизматлар ҳажми 2020 йилга келиб, 2010 йилга нисбатан 2,14 баробар ўсади.

Транспортда йўловчилар ташиш 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 2,87 баробар ошди, 2020 йилга келиб эса, 8,5 баробар ортади. Туманлар ичида ва туманлараро транспорт қатновлари кўпаяди. Автомобиль транспорти, темир йўл ва авиация ёрдамида йўловчилар ташиш ишлари янада ривожланади.

Алоқа хизмати 2012 йилда, 2010 йилга нисбатан 3,8 баробар, 2020 йилга келиб эса, 11,18 баробар ўсади.

Вилоят иқтисодиётининг режалаш-иқтисодий қонунлар тизимининг ҳудуд бўйича таъсири туфайли рўй берадиган миқдор ва сифат ўзгаришларини ўрганиш маҳаллий манфаатдорликни келтиришни, туман ҳудудлари ривожланишини ҳисобга олиб, вилоят иқтисодиёти ва ижтимоий тизимининг ривожланиб бориш йўллари янада аниқлаб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган хўжалик фаолиятининг мажмуаси сифатида ижтимоий соҳанинг ҳудудга хос жиҳатларини режалаш жуда қийин. Хизмат кўрсатиш соҳаларида, хусусан, маиший хизмат кўрсатиш, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишидек мураккаб жараён вилоятдаги мазкур соҳалар кўрсаткичларини режалашга доир эконометрик моделлаштириш усулларида фойдаланган ҳолда олдиндан чамалаб кўришни тақозо этади. Хизмат кўрсатиш соҳалари механизмини такомиллаштириш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни камайтириш бозор муносабатларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши лозим.

2. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳаларини комплекс ривожлантириш усуллари

Тадқиқотнинг аввалги бобларида ўрганилаётган муаммонинг назарий жиҳатларининг таҳлили келтириб ўтилган ва вилоят қишлоқ жойларининг турмуш даражасини ошириш соҳаси элементларига баҳо берилди. Улар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, юқоридаги бобда аҳолининг турмуш шароитига таъсир қилувчи кучли ва кучсиз боғланишларни, корреляцион таҳлил усулидан фойдаланиб, ишончлилигини баҳоладик. Корреляцион таҳлил орқали аҳолини турмуш даражасига таъсир этувчи боғлиқлик меъёрларини ишлаб чиқиш ва ўлчаш мумкинлигига амин бўлдик. Лекин корреляцион ва регрессион моделлар орқали ижтимоий соҳа жараёнлари муносабатлари сабабини аниқлай олмаймиз.


Ҳар бир босқич якуний натижага ўзига хос таъсир кўрсатади ва улардаги йўл қўйиладиган хатоликлар олдинги босқичлардаги хатоликлар билан ҳам белгиланади.

Имитацион моделни ҳисоблаш тажрибасининг умумий схемаси 3.5-расмда кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “...мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат. ...инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб қилинадиган кенг кўламли соҳа ҳисобланади. Бу янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш имконини беради”²⁸.

Ислохотларни амалга ошириш учун аҳолига хизмат кўрсатиш имкониятларини ошириш зарурияти пайдо бўлади. Бу ўринда пуллик ва маиший хизмат кўрсаткичларини моделлаштириш учун қуйидагича белгиларни киритамиз:

²⁸Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 48-49 б.



6-расм. Аҳолини турмуш шароитини ижтимоий ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ²⁹

²⁹ Муаллиф ишланмаси

Аҳоли турмуш фаровонлигига таъсир этувчи омиллардан бири электр энергия таъминоти ҳисобланади. Барча қишлоқлари, шунингдек, кўпгина шаҳарларда ҳам сезиларли даражада энергия ресурслари (газ ва электр энергия) тақчиллигига дуч келинмоқда, бундай ҳолат, айниқса, қиш ойларида хонадонларни иситиш борасида яққол сезилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида электр энергияси хизмати ҳам катта аҳамиятга эга, чунки электр энергиясисиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг кўпгина тармоқлар иш фаолиятида муайян қийинчиликликлар юзага келади. Жумладан:

- тез бузилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сақлашда. Масалан, сут, гўшт, ҳўл мева, сабзавот, тухум ва бошқалар;
- давлат буюртмаларини қайта ишлаш;
- маҳсулот таннархи арзонлашади, натижада ўз харажатларини қопламайди;
- маҳсулот сифати тез бузилади;
- маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги камаяди;
- қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини оширишга муайян даражада таъсир қилади.

Жон бошига истеъмол қилинган электр энергиясининг кўрсатиш даражаси қуйидагича белгиланади:

$$\mathfrak{S}^{\ell} = \frac{I}{A}, \quad (3.1)$$

бунда I – истеъмол қилинган электр энергия. Истеъмол қилинган электр энергиясининг динамикаси қуйидагича белгиланади

$$\mathfrak{S}_t = \frac{I_{t-1}}{I_t} \quad (3.2)$$

бунда I_{t-1} - истеъмол қилинган электр энергиясининг йил бошидаги қиймати I_t - жорий даврдаги қиймати.

Шунингдек, жон бошига истеъмол қилинган газнинг кўрсатиш даражаси қуйидагича белгиланади:

$$\mathfrak{Z}^{\varepsilon} = \frac{G}{A} \quad (3.3)$$

бунда G – истеъмол қилинган газ. Истеъмол қилинган газнинг динамикаси қуйидагича белгиланади:

$$\mathfrak{Z}_t^{\varepsilon} = \frac{G_{t-1}}{G_t} \quad (3.4)$$

бунда G_{t-1} - истеъмол қилинган газнинг йил бошидаги қиймати, G_t - жорий даврдаги қиймати.

Бу борада кишлоқларда электр энергияси тақчиллигини пасайтириш учун тегишли услуб ва технологиялар (электр энергияни тежаш, ёқилғидан унумли фойдаланиш, тикланадиган муқобил энергия турлари)ни жорий этиш ва намоёйиш қилиш мумкин. Жойларда ушбу услублар, технологияларни қўллаш ёки ишлаб чиқариш борасидаги салоҳиятни ошириб бориш йўли билан маҳаллий даражада ўзини ўзи етарли даражада таъминлашга ва кичик бизнесни ривожлантиришга эришиш мумкин бўлади.

Турмуш даражасини яхшилаш ва иқтисодий ривожланишга эришиш учун ичимлик суви, газ, электр энергияси, оқова сувлар ҳамда транспорт ва муниципал хизматлар билан таъминланиш даражасини яхшилаш мақсадида улкан инфратузилмани такомиллаштириш бўйича кенг миқёсли ишларни амалга ошириш ҳамда ерлар сифатини яхшилаш, уларнинг таназзулини тўхтатиш ва ортга қайтариш мақсадида ирригация ва дренаж тизимларини модернизация қилиш лозим. Шунингдек, донорлар қўмагида амалга оширилаётган кенг миқёсли инфратузилма лойиҳаларида ҳамжамиятлар иштирокини таъминлаш ва ушбу лойиҳалар доирасидаги паст малака талаб қилинадиган ишлар ҳамда вазифаларга маҳаллий фуқароларни жалб қилишдан иборат бўлган “мажбурий ижтимоий компонент”ни киритиш имкониятини ўрганиш зарур.

Аҳоли турмуш даражаси билан боғлиқ бўлган яна бир муҳим омиллар транспорт хизматидан фойдаланишни йўлга қўйишдир.

Қишлоқ хўжалиги катта майдонларга экинлар экиш асосида иш юритади. Бу ерларни қисқа вақт ичида экишга тайёрлаш, экиш, экин қатор ораларига ишлов бериш, қишлоқ хўжалиги экинлари касалликлари ва зараркунандаларига қарши кураш олиб бориш, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш, тайёрлов пунктлари, омборларга ташиш ва бошқа қатор катта ҳажмдаги ишлар қўл кучи билан бажарилиши қийин. Бу ишларни бажариш учун хилма-хил қишлоқ хўжалиги машина ва техникаларидан фойдаланишни талаб этади. Уларнинг бир меъёрга ишлаши учун ишдан чиққан қисмлари ва эскирганларини янгилаш, ёнилғи-мойлаш материаллари ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, таъмирлаш каби хилма-хил хизматлар кўрсатиш заруриятини талаб қилади. Хизматларни амалга ошириш мақсадида машина-трактор парки, автосервис, хизмат кўрсатиш пунктлари, савдо, сервис марказлари ташкил этилмоқда.

Ушбу хизматлар кўламини аниқлаш учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин:

$$\begin{aligned} TP_t &= \lambda_1(A_t, t); \\ TP_t^0 &= \lambda_2(TP_t, A_t, t); \end{aligned} \quad (3.5)$$

бунда TP_t - t йилдаги кўрсатган транспорт хизмати, минг кишида;
 TP_t^0 - t йилдаги транспорт хизмати айланиши, км;

Транспорт хизматини самарали ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга етказиб бериш вақтини қисқартириш;
- маҳсулот сифати бузилишини кескин камайитириш;
- қишлоқ хўжалигида бажарилган тадбирларни ўз муддатида ва юқори даражада сифатли ўтказишга (минерал ўғит, уруғлик, озуқа ва бошқалар) таъсир этиб, оқибатда ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорини оширишга;

– қишлоқ хўжалигини халқ хўжалигининг бошқа соҳалари билан боғлаш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқариш каби катор имкониятни беради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмаларида йўл хўжалиги ҳам катта аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг транспорт бўғини бевосита йўл хўжалиги ҳолатига боғлиқ. Йўл хизмати ҳолати бевосита транспорт хизмати даражасига ижобий ёки салбий таъсир этади.

Худуд йўл тизимининг талабга жавоб бермаслиги:

– транспорт воситалари умрини қисқартиришга, қисмларни муддатидан олдин ишдан чиқишига;

– юк ташиш харажатларининг ортишига, унинг самарадорлиги пасайишига, маҳсулот сифати бузилишига;

– юкларни белгиланган муддатда истеъмолчиларга етказиб бера олмаслиги каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради.

Йўл қишлоқ маданияти қай даражада эканлигини ўзида кўрсатувчи кўзгудир.

Маълумки, йилдан-йилга пуллик хизмат кўрсатиш корхоналари сони ва сифати ўсиб борди. Бу корхоналарнинг сони, кўлами ва тури, биринчи галда, маҳаллий шароитга, аҳоли сонига, таркиби, зичлиги ва харид қобилиятига, миграция жараёнларининг табиатига, қишлоқлар қурилишининг тузилиши ва ундаги транспорт тармоғига боғлиқ бўлади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси каби ўсиб бораверади, натижада аҳоли бандлиги, даромади ошади, турмуш шароити янада ривожланиб боради. 2020 йилга келиб, 2010 йилга нисбатан 3,16 баробар ўсади.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳаси ҳажми йилдан-йилга ошиб боради, 2011 йилга келиб 2010 йилга нисбатан 1,1 баробарга, 2020 йилга келиб эса, 3,2 баробарга ошади, аҳолини касалланишдан олдин тиббий

кўриқдан ўтиб туриш имкониятлари кенгаяди, амбулатория-поликлиника орқали тиббий ёрдам бериш ишлари, дорихоналар хизмати яхшиланади. Касалхонада ўринлар билан таъминланганлик даражаси ортади, соғлиқни сақлаш муассасалари зарур асбоб-ускуна, жиҳозлар билан янада яхшироқ таъминланади.

Турар-жой, коммунал хўжалиги соҳасида кўрсатиладиган хизматлар яхшиланиб, турар-жой қурилиш ҳажми кенгаяди, турар-жой биноларини қайта таъмирлаш ва аҳолининг яшаш шароитлари яхшиланади. Электр энергияси ва ичимлик суви билан таъминлаш доимий узлуксиз ҳолатда бўлади. Турар-жой, коммунал хўжалик соҳасида кўрсатиладиган хизматлар ҳажми 2020 йилга келиб, 2010 йилга нисбатан 2,9 баробар ўсади.

Транспортда йўловчиларни ташиш 2020 йилга келиб 2010 йилга нисбатан 3,13 баробар ортади. Туманлар ичида ва туманлараро транспорт қатновлари кўпаяди. Автомобиль транспорти, темир йўл ва авиация ёрдамида йўловчилар ташиш ишлари янада ривожланади.

Аҳолининг ўсиш прогнозидан фойдаланиб, қуйидаги натижаларга эришдик: Вилоятимиз аҳолиси жон бошига ҳисоблаганда пуллик хизмат кўрсатиш соҳалари 2010 йилга нисбатан 2011 йил 1,1 баробарга , 2020 йилга келиб эса, 2,65 баробарга, маиший хизмат кўрсатиш соҳаси 2010 йилга нисбатан 2011 йил 1,1 баробарга , 2020 йилга келиб эса, 2,7 баробарга ошади.

III боб бўйича хулоса

1.Ижтимоий соҳа инфратузилма тармоқлари, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳалари мураккаб жараён ҳисобланади. Мазкур соҳа тармоқларининг тегишли кўрсаткичларини прогнозлашга доир дастур ишлаб чиқиш зарур.

2.Ислоҳотларни амалга ошириш учун аҳолига хизмат кўрсатиш имкониятларини ошириш зарурияти пайдо бўлади.

3.Аҳоли ўсиш даражасини тартибга солиш, меҳнат ресурслари билан аҳоли бандлигини ошириш, қишлоқ хўжалигидан бўшаган ходимларни меҳнат билан банд этиш учун халқ хўжалигининг бошқа тармоқ ва соҳаларида, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойлари барпо этишга тўғри келади.

4. Аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнларини механизациялаш, янги технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишда янги, замонавий усуллардан самарали фойдаланиш ва кенг миқёсда аҳолига хизмат кўрсатиш такомиллаштириш талаб этилади.

5.Аҳолига хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалигида ходимлар тажриба ва малакаларидан самарали фойдаланиш мақсадида уларни ўқитиш, янги мутахассисликларга ўргатиш, қайта тайёрлаш учун шарт-шароит яратиш зарур.

Хулоса

Тадқиқотдаги асосий хулосалар, натижалар асосида қуйидаги таклифлар баён этилади:

1. Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини ошириш учун қишлоқ жойларда аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган ва ижтимоий йўналтирилган ислохотларга амал қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий институционал асосларини яратиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириб бориш лозим.

2. Қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи, турмуш шароити ва фаровонлигини яхшилаш мақсадида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини янада такомиллаштириш ва истиқболда қишлоқ тараққиётини ривожлантиришнинг дастурларини ишлаб чиқиш зарур.

3. Аҳолига хизматлар кўрсатиш соҳасининг асосий кўрсаткичларини, улар турлари орасидаги номуносибликни аниқлаш, хўжалик юритишнинг бозор механизмини такомиллаштириш учун, албатта, эконометрик моделлаштиришдан фойдаланиш зарур.

4. Хизматлар кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг тараққий эттириш каби устувор масалаларни амалга ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш учун қишлоқ аҳолиси демографик жараёнларини тартибга солиш, қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини ошириш, қишлоқ хўжалигидан бўшаган ходимларни меҳнат билан банд этиш учун халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда моделлаштиришнинг имитацион (комплекс) мажмуасидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

5. Қишлоқ жойларда ислохотларни чуқурлаштиришда хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни самарали ташкил этиш орқали замонавий ахборот технологияларга асосланган янги автоматлаштирилган иш жойлари барпо этиш лозим.

6. Аҳолига кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширмаслиги ҳамда дебиторлик қарзларининг ўсиши коммунал хўжалиги корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Пул маблағларининг тўлиқ келиб тушмаслиги бир қатор сабабларга боғлиқ. Булар кўрсатиладиган хизматларнинг сифати, аҳолининг реал даромадлари, ижтимоий жиҳатдан ўзини англаш, қонунчилик базаси, тўловларни йиғиш ишларини ташкил қилиш ва ҳ.к. Тўловларни ундириш ишларини ташкил қилиш даражаси муҳим омил ҳисобланади. Ҳозирги вақтда 5 та коммунал хизматларни кўрсатувчи корхона квартиралар ва хусусий уйлар мулкдорлари билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича аҳолидан тўловларни йиғиш билан шуғулланади. Бундай тизим қатор муҳим камчиликларга эга.

Тўловларни йиғишни яхшилаш мақсадида ушбу ишни ташкил этиш тизимини тубдан қайта қуриш таклиф этилади. Корхоналарни ушбу ишдан халос этиш, махсус ташкилот – коммунал хизматлар бўйича ягона умумшаҳар ҳисоб-китоб марказини ташкил этиш лозим. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда бундай марказ аҳоли билан ишлашни тубдан яхшилаш, тўловлар тушумининг даражасини ошириш ва хизматларни реализация қилиш харажатларини сезиларли даражада қисқартириш имконини беради.

8. Мустақилликнинг дастлабки йилларида малакатимиз Президенти томонидан эълон қилинган иқтисодий ривожланиш ўзбек моделининг бешта асосий тамойилидан бирига мувофиқ давлат бош ислоҳотчи сифатида иштирок этди. Коммунал соҳасидаги барча муҳим ўзгаришлар тегишли ҳужжатлар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгилаб берилди.

Уй-жой коммунал соҳасининг давлат томонидан меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиниши:

- фуқароларнинг ўз эҳтиёжлари ва имкониятларидан келиб чиқиб уй-жой қуриш, хусусийлаштириш, эркин олди-сотди битимлари орқали уни ўз мулкига сотиб олиш, ёллаш ҳуқуқини, аҳолининг кам таъминланган қатламига коммунал уй-жойнинг ижтимоий ёллаш шартларида берилиши, уй-жой қурилиши учун ер участкаларининг берилишини;

- турар жой уйлари техник ҳолатининг давлат стандартларини белгилаш, санитария, экология, ёнғин хавфсизлиги ва ҳ.к. қоидаларни қабул қилиш орқали фуқароларнинг уй-жой фондида яшаши хавфсизлигини ва уларга амал қилиниши устидан назоратни;

- коммунал хизматларга бўлган зарур эҳтиёжларни кондиритиш имкониятини ва коммунал хизматларни истеъмол қилиш меъёрлари, уларнинг сифати стандартлари ва фойдаланиш қоидаларини белгилаш орқали коммунал хизматларни истеъмол қилиш хавфсизлигини;

- кам даромадли оилаларнинг ижтимоий қўллаб-қувватланишини;

- уй-жой коммунал хизматлар бозорининг ривожланиши учун шароитларни;

- табиий монополиялар хизматлари нархлари (тарифлари)нинг тартибга солинишини таъминлайди.

9. Қатор ташкилий ва умумий масалаларни ҳал этиш, модернизациялаш суръатларини жадаллаштириш, тармоқ корхоналарининг фаолиятини тартибга солиш ва баҳолаш, шунингдек республика уй-жой коммунал хўжалигини бошқариш усуллариини такомиллаштириш қабилар тармоқ фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва қамчиликларга барҳам беришнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

10. Икки томонлама бўйсунувчи ва унга маҳаллий шарт-шароитлар катта таъсир ўтказувчи кўп кичик тармоқли, мураккаб тармоқ ҳисобланган уй-жой коммунал хўжалиги учун тартибга солиш ва ривожланишни такомиллаштириш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

11. Тармоқ фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: тармоқ корхоналари фаолиятини

тартибга солиш ва баҳолаш, усулларини такомиллаштириш, республика уй-жой коммунал хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш, тармоқни модернизация қилиш суръатларини жадаллаштириш. Бунда юқорида кўрсатилган йўналишларнинг барчаси муҳим ва фақат уларни комплекс тарзда ҳал этиш энг кўп самарага эришиш имконини беради.

12. Тармоқни ривожлантиришни такомиллаштириш мақсадида амалиётга узоқ муддатли, стратегик тартибга солишни жорий этиш зарур. Узоқ муддатли дастурларни тузиш услуги ва меъёрий базани ишлаб чиқиш талаб этилади.

13. Ишланмаларнинг илмий даражасини янада ошириш мақсадида дастурий-мақсадли усулдан фойдаланиш лозим. Мазкур ишда ушбу усулни уй-жой коммунал хўжалиги амалиётига жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган бўлиб, уни хўжаликнинг кичик тармоқларидан бири мисолида қўллаш имконияти кўриб чиқилган.

14. Ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида бошқарув муҳим роль ўйнайди. Уй-жой коммунал хўжалигида бошқарувни такомиллаштиришни тармоқ ва ҳудудий доираларда турли вазифалар бўйича бошқарувнинг ихтисослашуви ва жамланишининг энг мақбул уйғунлашувини таъминлаш йўналишида амалга ошириш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва
Қарорлари

1. «2009-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 17 апрелдаги Қарори.

2. «Коммунал хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 17 апрелдаги ПФ-VII-2832-сонли Фармони.

3. «Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 6 февралдаги ПФ-3038-сонли Фармони.

4. «Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 сентябрдаги ПФ-3662-сонли Фармони.

5. «Коммунал хизматларнинг ўзини оқлашига босқичма-босқич ўтиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 7 февралдаги 54-сонли қарори.

6. «Уй-жой коммунал хизматларнинг ўзини оқлашига ўтиш муносабати билан норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 июлдаги 271-сонли қарори.

7. «Ўзбекистон Республикасида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 октябрдаги 461-сонли қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш

тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №ПҚ-1529-сон Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги «2012 — 2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида» ПҚ–1754-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари

10. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. «Халқ сўзи», 2007 йил 13 феврал.

11. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз зарур. «Халқ сўзи», 2009 йил 11 феврал.

12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. «Халқ сўзи», 2008 йил 29 январ.

13. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи», 2005 йил 30 август.

14. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузаси). – Халқ сўзи, 2009, 14 феврал.

15. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

16. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2009.

17. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. - Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 29 январь.

18. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

19. Каримов И. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т. Ўзбекистон, 2011.

20. Каримов И. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т. Ўзбекистон, 2012.

21. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013.

22. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси – Т.: Ўзбекистон, 2010

23. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларни изчил давом эттириш йўлидир . Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 8 декабр.

24. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи , 2013 йил 8 декабрь.

25. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тарақиётининг асосий мезонидир. – Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2012.

26. Каримов И.А. Жаҳон молиявий– иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

27. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тарақиётини ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалари

28. Бекмурадов А.Ш. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йўлларида. 1-қисм. Макроиқтисодий сиёсат ва иқтисодий ислохотлар. – Т.: ТДИУ, 2008.

29. Ишмухамедов А.Э., Каланов Б.З., Каланова М.З., Суннатов М.Н. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти: Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2007.

30. Зайнутдинов Ш. Н. ва бошқалар. Менежмент асослари. Т., Молия, 2002.-250 б.

31. Шарифхўжаев М, Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: Ўқитувчи, 2002.-450 б.

32. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши.Т.:2009.-150 б.

Хорижий илмий адабиётлар

33. Игнатов В.Г., Батурин Л.А., Бутов В.И. Экономика социальной сферы. -Ростов на Дону, 2007

34. Bernstein. Financial Statement Analysis: Theory, Application, and nterpretation, fifth edition 2007, 325p.

35. Roger H. Hermanson James Don Edwards, Michel W. Maher. Accounting a Business Perspective. Sixth edition 2005. 369p.

36. Robert Libby, Patricia A. Libby, Daniel G. Short. Financial Accounting. Miami University Press, 2008. 524p

37. Филиповский Е.Е., Шмарова Л.В. Экономика и организация гостиничного хозяйства. - М.: ФиС, 2008.

Қўшимча адабиётлар.

38. Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқалар. Менежмент асослари. -Т., Молия, 2002.

39. Шарифхўжаев М, Абдуллаев Ё. Менежмент. -Т.: Ўқитувчи. 2002 .

40. Мескон М., Алберт М., Франклин Х. Основы менеджмента. - М.: Дело, 2002.

41. Финансовый менеджмент: теория и практика: Учебник / Под ред. Стояновой. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Изд-во «Перспектива», 2003. – 656 с.

42. Шодиев Р.Х. “Жаҳон иқтисодиёти”.–Т.:“Ғофур Ғулом”,2005.- 215 б.

43. Мухаммедрахимов У.Х. “Жаҳон иқтисодиёти” –Т.,2005. 220 б.

44. Банк В.Р., Банк С.В., Тараскина А.В. Финансовый анализ. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – 344 с.

45. Галина Х.И Финансовый менеджмент: Учебное пособие. / Галина Х.И; Моск. Гос. Ун-т сервиса. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство «дело и Сервис», 2006. - 248с.

46. Ковалев В.В. Введение в финансовый менеджмент. – М.: Финанси и статистика, 2006. – 768 с.

47. Нуриббетов Р. “Ишлаб чиқариш менежмент”. Тошкент, 2008

Интернет сайтлари

48. www.economyta-culty.uz. – Ўзбекистон иқтисодиёти.

49. www.uzreport.com – Ўзбекистон янгиликлари.

50. [www.Reviem.uz/home/aztiele.asp7m=62Rio\)=177](http://www.Reviem.uz/home/aztiele.asp7m=62Rio)=177) – Шаҳар хўжалиги.

51. www.Bibbio.rk.encazta/humanitarian/cicle.htm/cicle.him -

Муниципал менежмент.

52. www.vqi.freenet/trudy/dratisviko.htm – Муниципал иқтисодиёт ва менежмент.

53. <http://www.gov.uz>.

54. <http://www.lex.uz>.

55. <http://www.mf.uz>.

56. <http://www.uza.uz>.

57. [Http: // w.w.w. tehne / agro_eur_comers. com /](http://w.w.w.tehne/agro_eur_comers.com/)

58. [Http: // w.w.w. aks.../ agro.../ techn @ 1900-2002.com](http://w.w.w.aks.../agro.../techn@1900-2002.com)

59. [Http: // w.w.w. cotworker. Com](http://w.w.w.cotworker.Com)

60. [Http: // w.w.w. cotton prod. com/ biotech/ prof...](http://w.w.w.cottonprod.com/biotech/prof...)

61. [Http: // w.w.w. agrotechne.comers// income.com.. com](http://w.w.w.agrotechne.comers//income.com..com)